Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 22 август
ПАЙШАНБА
№ 162 (5.205).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

БОБОДЕҲҚОН САДОҚАТИ

НАМАНГАН РАЙОНИДАГИ СВЕРДЛОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ ПАРТИЯ, МЕҲНАТ ВА УРУШ ФАХРИЙЛАРИ, ИЛҒОР КОЛХОЗЧИЛАРДАН ЮЗ КИШИНИ ТАШКИЛОТ ҲИСОБИДАН «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИГА ОБУНА ҚИЛДИ

Бугунги кунда матбуотсиз турмушни тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, у ёки бу рўзнома кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Халқимиз кейинги пайтларда янгиликлар хабарчиси, илғор тажрибалар тарғиботчиси бўлмиш матбуотнинг қудратли кучини янада чуқурроқ ҳис этмоқда. Биз, қишлоқ кишиларига ўз ҳаётимизни, орзу-умидларимизни, дардимизни, ишдаги муаммоларимизни кўтариб чиқадиган рўзнома бошқаларидан кўра қадрлироқ бўлиши табиий. Ана шундай яқин дўст, чин маслаҳатгўй сифатида «Қишлоқ ҳақиқати» майдонга чиқаётгани барчамизни дил-дилдан қувонтирмоқда.

Ошириб-тошириб гапиришнинг ҳожати йўқ. Ушбу рўзнома кўпдан бери меҳнат фаолиятимизга киришиб кетган. Унинг саҳифаларида қишлоқ кишиларининг турмуши, меҳнаткашларнинг кўнглидаги масалалар кенг ёритилмоқда. Шу боисдан рўзнома жумладан, бизнинг хўжалигимизда ҳам алоҳида мавқега эга. Ундан ишимизга керакли кўп нарсаларни ўқиб-ўрганаяпмиз.

Энди жамоа хўжалигимиз фаолиятига қисқача тўхталмоқчимиз. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Ҳамқишлоқларимиз илгаридан янгиликка ўч бўлишган. Экин майдонларимиз Наманган шаҳри билан туташ. Жумҳуриятда биринчи бўлиб бизда шахмат усулида чигит экиш жорий этилган. Уни тажрибали деҳқон Малла Боқибоев раҳбарлиги остида синаб кўришган. Донгдор теримчи, айни пайтда кексалик гаштини сураётган Тожихон Асқарова ҳам хўжалигимиздан чиққан. У ўзбек хотин-қизлари ўртасида биринчи бўлиб мамлакат олий ҳокимияти органига депутатликка сайланган.

Бугунги авлод уларнинг изидан собитқадамлик билан бормоқда. Илғор деҳқончилик усуллари фаолиятимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Ипак пахта экиш ва ундан баракали ҳосил етиштириш мумкинлигини бизнинг заршуносларимиз амалда кўрсатишди. Ҳолбуки, яқин-яқингача бу нарсани хом хаёл деб аташарди. Мана, тўрт йилдан бери хўжалигимизда ингичка толали хом ашё етиштирилмоқда. Бу тажриба даставвал вилоят кенгаши депутати, коммунист Сайфулла Шарипов бошлиқ бригадада (у ҳозир хўжалик бошқаруви раисининг ўринбосари) синаб кўрилди. Сўнгра барча майдонларга экиладиган бўлди. Бултур ҳар гектар ердан 36 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжалигимиз меҳнат аҳли жорий йилда қутлуғ мақсадларни қўлга киритди. Пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга етказиш мўлжалланган. Бундан ташқари 270 тонна мева, 150 тонна сут, 200 минг дона тухум, кўплаб бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўлида тер тўкилмоқда. Яқинда дала ва фермаларимизда бўлган андижонлик мусобақадошлар бажараётган ишларимиздан қувонишди.

Халқимиз азалдан ипак етиштириш билан шуғулланиб келади. Лекин бу соҳадаги ишлар ибтидоийлигича қолмоқда. Биз жумҳурият Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги ипакчилик марказий техника конструкторлик лойиҳалаш уюшмаси мутахассислари билан ҳамкорликда тармоқни саноат негизига

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

кўчиришни бошладик. Пилла қурти боқишнинг янги усулига Бахтиёр Пидаев ва Жўрабой Тўхтаев раҳбарлик қилишаяпти. Аввал 40 гектар тутзор ташкил этдик. Унинг ҳар гектаридаги барг 30 қути қуртга етади. Ҳар қайсисига бир қути жонивор сиғадиган 25 та мослама келтирилди. Қурт тўрт ёшгача боқилгач, хонадонларга тарқатилади. Барг механизация ёрдамида кесилади. Келгусида қуртни йилига 3—4 мавсум парваришлашни мўлжаллаяпмиз. Шу тариқа пиллачиликдан келадиган даромадни ошириш кўзланаяпти. Бу йил дастлабки мавсумда ҳар қути қурт уруғидан 60,3 килограммдан хом ашё олинди. Шу кунларда такрорий қурт боқиш давом этаяпти. Умуман ипакчилик комплекси учун ярим миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Биз эндиликда хом ашё етиштиришнигина эмас, балки тайёр маҳсулот чиқаришни ўйлаяпмиз. Шу мақсадда ғумбакни ўлдирувчи, пиллани чувийдиган ва тўқийдиган 30 та дастгоҳ олиб келинди.

Маҳаллий шароитда қанд маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкинлигини амалда кўрсатмоқчимиз. Уч йилдан бери қанд жўхорининг турли навлари синаб кўрилмоқда. Маълум бўлишича, бу экин юқори ҳосил бериши билан бирга чорва учун тўйимли озуқа ҳамдир. Гектаридан 30—40 центнергача дон, 1000 центнерга қадар кўкпоя олиш мумкин. Маҳсулотни қайта ишлаш тадбирлари кўрилмоқда. Дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Тажриба тариқасида 40 тонна қиём тайёрланди. Яқин орада 40 гектар майдондаги қанд жўхорини ўриб, донини қайта ишлаймиз. Шунингдек, пахта чигитини ўзимизда ёғ ва кунжара қилиб чиқараяпмиз.

Хуллас, хўжалигимизда бундай янгиликлар кўплаб қўлланилмоқда. Илм-фан ютуқларини жорий қилиш мақсадларига 600 минг сўм маблағ ажратилган. Бутун диққат-эътибор, ҳаракат аҳли турмуш шароитини яхшилашга қаратилмоқда. Агар имконият ва шароит ҳисоба олинса бошқа жойларга нисбатан мураккаб эканлиги аён бўлади. Ҳудудимизда 30 минга яқин киши яшайди. Уларни иш билан таъминлаш жиддий муаммо ҳисобланади. Шунинг учун турли ёрдамчи тармоқлар қурилиб ишга туширилмоқда.

Кўринди турибдики, айтадиган гап, янгиликлар, илғор тажрибалар кўп. Уларни оммалаштиришда матбуот ҳал қилувчи роль ўйнайди. Биз «Қишлоқ ҳақиқати» саҳифаларида шулар хусусида ўқиб борамиз. Яқинда бўлиб ўтган жамоа хўжалиги бошқарувининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида мазкур рўзномага 1992 йил учун обуна бўлиш масаласи кўриб чиқилди. Унинг иштирокчилари «Қишлоқ ҳақиқати» хўжалик ва унинг аъзолари учун керакли нашр эканлигини эътироф этдилар. Рўзномани дала шийпонларида, ферма, трактор парки, ёрдамчи корхоналарда доимий ўқиб боришади. Шунга кўра келгуси йилда уни кўпроқ олиш мақсада мувофиқ деб топилди. Йиғилишда «Қишлоқ ҳақиқати»га жамоа хўжалиги жамғармасидан 100 нусхага пул ўтказиш ва шу ҳисобдан партия, меҳнат, уруш фахрийларини, илғор колхозчиларни бепул обуна қилдиришга келишилди. Фахрийлардан Ҳамидхон Рашидов, Ҳакимбой Бойдадаев, Тожихон Асқарова, Шаҳобиддин Эгамбердиев, хўжалик аъзоларидан Ҳамидулла Юсуфжонов, Абдулбоқи Қодиров, Ҳафиза Аҳмаджонова, Тожиддин Тўраев ва бошқалар келгуси йилда мазкур рўзномани текинга ўқиб боришади. Бундан ташқари якка тартибда 100 га яқин киши унга ёзилишга ҳоҳиш билдирдилар. Ўйлаймизки, «Қишлоқ ҳақиқати» таъсирчанлигини ошириб, қишлоқ ҳаётига, меҳнаткашларнинг муаммоларига бундан буён янада кўпроқ эътибор беради. Илғор тажрибаларни, янгиликларни кенг тарғиб этиб, умумишимизга хизмат қилади.

А. АБДУРАҲИМОВ,
Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, иқтисод фанлари номзоди, СССР халқ депутати.

А. НАСРИДДИНОВ,
хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

А. ҚАҲҲОРОВ,
бош агроном.

СУРАТДА: бош агроном А. Қаҳҳоров, 2-бригада бошлиғи Ҳ. Қаҳҳоров ва хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг раиси А. Насриддинов ингичка толали нав ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Пахтачиликда ишлаётганимга қирқ йилдан ошди. Куч-ғайратга тўла бир йигитнинг умрига тенг шу даврда деҳқончиликнинг сир-асрорларини миридан-сиригача ўргандим, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотдим. Кўп йиллик меҳнатим эвазига бир қанча мукофотлар, нишонлар билан тақдирландим.

Иш фаолиятим давомида «Қишлоқ ҳақиқати»да босилган мақолаларни ўқиб, кўп марта фойдаланишимга тўғри келган. Рўзномани мунтазам кузатиб бораман. Ўзим учун зарур мақолаларни асраб қўяман. Унинг саҳифаларида биз, қишлоқ меҳнаткашлари учун маслаҳатлар, керакли тавсиялар доимо бериб борилади. Кейинги пайтларда мақолаларнинг мавзу доираси кенгайди. Хўжалигимиз жамғармасидан 1992 йилда «Қишлоқ ҳақиқати»га 100 нусхага обуна учун маблағ ажратилгани барча қатори мени ҳам қувонтирди. Бу бир жиҳатдан колхозчиларга ёрдам бўлса, иккинчидан қадрдон рўзномага садоқат намунасидир.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган ҳикмат бор. Рўзнома ижодий жамоаси келгусида уни янада қизиқарлироқ чиқариш йўлларини излайди, деб ўйлайман. Шу маънода муштарий сифатида бир-иккита таклифларим бор. Жойларда «Қишлоқ ҳақиқати» ўз ўқувчилари билан очиқ мулоқотлар ўтказиб турса. Бунда санъаткорлар жалб этилса. Шунда деҳқонлар дилидаги гаплар унинг саҳифаларига яхшироқ етиб борарди. Қолаверса, озми-кўпми меҳнаткаш кайфияти кўтарилади.

Мен бошчилик қилаётган бригада бултур ҳар гектар ердан 38 центнердан хирмон кўтарганди. Бу йилги мақсадимиз — ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш. Айни пайтда 70 гектар майдонда ғўза ўстираяпмиз. Ҳар тупда 13—14 тадан тўқ кўсак бор. Экин парваришида механизаторлар Шамсиддин Жўрабоев, Одилбек Мамажонов, сувчилардан Маъруфжон Рўзматов, Салоҳиддин Камолов, Асқар Ғуломов кабилар фаоллик кўрсатишаяпти.

Ҳ. ҚАҲҲОРОВ,
2-бригада бошлиғи.

ҲАМНАФАС БЎЛСАК

Биз, чорвадорлар учун йил-ўн икки ой тинимсиз меҳнат даври ҳисобланади. Хўжалигимизда тармоқни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Аввало мустаҳкам озуқа базаси яратилаяпти. Сигирлар маҳсулдорлиги оширилмоқда. Жорий йилда ҳар бош говмишдан ўртача 3 минг килограммдан сут соғиб олиш мўлжалланаяпти.

Фермамиз ходимлари кундалик матбуот нашрларини қизиқиб ўқиб борадилар. Чунки уларда ишимизга таллуқли йўл-йўриқлар, илғор тажрибалар ёритиб борилади. Шу жиҳатдан олганда «Қишлоқ ҳақиқати» бизга анча яқин ҳисобланади. Мазкур рўзнома бундан буён ҳам ўқимишли чиқади, деб ўйлайман. Шунинг учун унга 1992 йилга обуна бўлдим. Ҳамкасбларимдан Ҳ. Дадабоева, Р. Ҳожиева, М. Раҳимова, Х. Нормирзаев, И. Камолов, М. Нурматов ва бошқалар ҳам келгуси йил учун «Қишлоқ ҳақиқати»га ёзилдилар. Истагимиз, рўзнома доимо биз билан ҳамнафас бўлсин, чорвадорларнинг, қишлоқ аёлларининг қувонч ва ташвишларини кенг ёритсин.

Х. АҲМАДЖОНОВА,
сигир соғувчи.

ҚАРИ БИЛГАНИНИ ПАРИ БИЛМАС

Жамоа хўжалигимиз ҳудудида 300 нафардан зиёд партия, меҳнат ва уруш фахрийси истиқомат қилади. Биз, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар руҳимизни кўтариб, яшашга иштиёқни кучайтиради. Хўжалик бошқаруви кейинги пайтларда кўпгина ёрдам кўрсатмоқда. 1992 йил учун «Қишлоқ ҳақиқати»га хўжалик жамғармаси ҳисобидан обуна қилинганимиз шундай саховатнинг яна бир кўринишидир. Эндиликда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Файзулла Йўлдошев, Иброҳим Бойдадаев, Азимбой Аҳмедов, Ҳамидхон Рашидов, Иномбой Вайсинов, Карим Уринов каби фахрийлар мазкур рўзномани келгуси йилдан бепул олиб ўқийдилар.

Хўжаликда кексалик гаштини сураётган 200 дан ортиқ кишига 120 сўмдан қўшимча нафақа берилмоқда. 120 нафар фахрийга ҳар ойда икки марта текинга гўшт тарқатилаяпти. Ана шундай ғамхўрликлар ёшига севимли рўзномага бепул обуна бўлганимиз ҳам қўшилди. Муштарий сифатида таклифим шуки, иложи бўлса, биз кексаларга атаб саҳифа ташкил этилса. Унда нуроний отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёт йўллари, насиҳат ва ўгитлари бериб борилса.

Т. АСҚАРОВА,
партия ва меҳнат фахрийси.

СУРАТДА: хўжаликнинг 1-бригадаси аъзолари Фотима Шарипова, Санобар Дадабоева, Навбаҳор Қирғизова ва Насиба Собиддиновалар. Улар «Қишлоқ ҳақиқати»га келгуси йил учун биринчилар қаторида обуна бўлишди.

П. АКБАРОВ ва Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Янгиликнинг қаноти бор, хушхабар оғиздан-оғизга кўчиб, узоқ-узоқларга тез етади. Биз Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг партия, меҳнат ва уруш фахрийлари, илғор колхозчилар 1992 йил учун «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна бўлишларига хўжалик жамғармасидан 2568 сўм пул ажратганлигини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдик. Уларнинг бундай ташаббуси шунинг учун қимматлики, ҳозирги шароитда бу хўжалик аъзоларига ҳам, рўзнома таҳририятига ҳам жуда катта ёрдамдир. Бозор иқтисодиётига ўтилган бир вазиятда ҳар тийин ҳисоб-китоб қилинмоқда. Шундай экан, умуммаблағидан меҳнат аҳли манфаати йўлида ишлатилгани эътиборга лойиқ.

Рўзнома таҳририяти келгуси йилни кўзлаб кенг қамровли ижодий режалар белгиламоқда. Бундан буён ҳам деҳқончилик-саноат мажмуидаги илғор иш усуллари, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг энг мақбул кўринишларида тўпланган тажрибалар доимий равишда оммалаштириб борилади. Қишлоқ хўжалиги ходимлари, барча меҳнаткашлар учун фойдали маслаҳатлар, илғор тажрибалар, кишиларнинг қувонч ва ташвишлари чуқурроқ ёритилади. Пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавоткорлик, боғдорчилик-узумчилик ва бошқа тармоқлардаги долзарб муаммолар диққат марказида бўлади. Шу билан бирга Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги аъзолари тилак билдиришганидек, яна кўпдан-кўп мавзулар борки, улар муштарийларимиз томонидан ҳаққоний равишда айтилаяпти. Биз бундай таклиф ва истакларни бажонидил қабул қиламиз. Келгусидаги ижодий режаларимизни шу асосда тўлдириб бораяпмиз.

Жамоа хўжалигида якка тартибда 100 га яқин киши «Қишлоқ ҳақиқати»га ёзилмоқчи эканлар, бу ҳам таҳсинга сазовор. Рўзғордан ошириб 25 сўм 68 тийинни рўзномага обуна бўлиш учун тўлаган кишилар бизга ҳамиша қадрли ва эъзозлидирлар. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, орзу-ўйларини, дилларидаги муддаоларини ёритиш доимо эътиборда бўлади.

Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг хайрли ташаббуси жумҳуриятимизнинг бошқа хўжаликларида, корхоналар ва ташкилотларда кенг қўллаб-қувватланиб, уларнинг издошлари кўпайишига ишончимиз комил. Рўзнома таҳририяти эса мазкур жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, иқтисод фанлари номзоди, СССР халқ депутати Абдураҳмон Абдураҳимовга, «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна бўлишга ёрдаму ҳиммат кўрсатган ва кўрсатаётган хўжалик аъзоларига сидқидилдан миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон—Ҳиндистон

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти жаноби олийлари Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти жаноби олийлари доктор Шанкар Дайял Шарманинг таклифи билан 1991 йил 17 августдан 19 августга қадар Ҳиндистонга расмий ташриф буюрди.

Президент Ислом Каримов сафар давомида Ҳиндистоннинг Президенти ва вице-президенти ҳузурига ташриф буюрди ҳамда Ҳиндистон Бош вазири билан суҳбатлашди.

Президент Ислом Каримов шунингдек халқ палатасининг спикери, ташқи ишлар вазири ва Ҳиндистоннинг бошқа сиёсий раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Президент Ислом Каримов Ҳиндистонда бўлган вақтида очиқ иқтисодий майдон — «Нойда»ни бориб кўрди, Агра шаҳрини зиёрат қилди, шунингдек ҳинд бизнесменлари ва саноатчиларининг вакиллари билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга сафари ҳар икки томоннинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда тарихий алоқалар ва ҳамкорликни ССЖИ билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатлари доирасида ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборат истагини акс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар икки томон иқтисод, савдо, фан ва техника, маданият, таълим ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларга янгича жило беришга келишдилар.

Мана шуларни назарда тутган ҳолда томонларнинг вакиллари Ўзбекистон ССЖ Президенти ва Ҳиндистон Бош вазирининг иштирокида ва топшириғига биноан:

1) иқтисод, савдо, илмий-техникавий ҳамкорлик;

2) маданият, санъат, таълим, фан, туризм, спорт ва оммавий-ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон вице-президенти ва Бош вазирини ўзларига қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришларини таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ БИЛАН ҲИНДИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ, САВДО ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ

БИТИМ

Қуйида «аҳдлашувчи томонлар» деб аталувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг ҳукумати билан Ҳиндистон жумҳуриятининг ҳукумати:

томонларнинг ССЖИ билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатлари доирасида тарихан таркиб топган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кенгайтиришга интилишларини ҳисобга олиб,

иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги анъанавий ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга интилиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар ўзларининг амалдаги қонунлари ва қоидаларига биноан барча даражадаги иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликка қўмаклашиш ва уни барқарор равишда ва узоқ муддатга мўлжаллаб ривожлантира бориш юзасидан тегишли тадбирларни кўрадилар.

II-МОДДА

Энг кўп қулайлик берилувчи халқ мақомига нисбатан ССЖИ билан Ҳиндистон жумҳурияти ўртасида 1985 йил 23 декабрда тузилган савдо битимининг 2 ва 3 моддалари қоидалари қўлланилади.

III-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар майда ва ўрта саноатда, ишлаб чиқариш кооперациясида қўшма корхоналар очишда ўз нормалари ва қоидаларига биноан ҳамкорлик қилишга келишдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга, уларни қайта ишлаш, ташиш ва сақлашга, истеъмол молларини, жумладан юқори технологияли маҳсулот, қурилиш материаллари, тўқимачилик ипларни, қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмлари ва енгил саноат моллари ишлаб чиқаришга ҳамда минерал ресурсларни қидириб топиш ва ишга туширишга биринчи навбатда эътибор берилади.

IV-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар ўртасида савдо ва саноат соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ҳар тараф-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони

Мамлакатда юзага келган иқтисодий-сиёсий вазиятда ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети тузиш тўғрисидаги қарорга кўра, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида 1991 йил 20 августда бўлган қўшма мажлисининг баёнотига мувофиқ, шунингдек ижроия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа ҳокимият ва бошқарув органларининг ишларида зиддиятларга йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

1. Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси СССР ва Ўзбекистон ССР конституцияларига ҳамда қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши билан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларига сўзсиз мос келиши керак.

2. СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига, Ўзбекистон ССР конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

Мазкур фармон имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 21 август.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Тошкентдаги олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ректорлари ҳамда партия комитетлари котиблари билан учрашув ўтказилди. Тўлақонли ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш, ўқув юртларини кузги-қишки даврда ишлашга тайёрлаш, ўқувчи ёшларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлар мажмуини рўёбга чиқариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишнинг йўллари ва воситалари тўғрисида амалий суҳбат бўлди.

Ректоратлар, кафедралар, ўқитувчилар куч-ғайратини ўқув-тарбиявий жараённи бозор иқтисодиётига оширилган талабларни ҳисобга олиб, сифат жиҳатидан такомиллаштиришга йўналтириш муҳимдир. Бу талаблар бўлажак мутахассисларга ҳам, уларнинг мураббийларига ҳам бир хил даражада таллуқлидир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ БИЛАН ҲИНДИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ, САВДО ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ

БИТИМ

(Боши 1-бетда)

лама ривожлантириш мақсадида томонлар бир-бирларига делегацияларга ва тадбиркорларни юбориш, ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этиш, ўзаро ахборотлар айрибошлаш йўли билан Ўзбекистон ва Ҳиндистон савдо ва саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларга кўмаклашадилар.

V-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар ўзаро манфаатли бўлган зарур илмий, технологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун аниқ дастурлар доирасида фан ва технология соҳасида, ўзаро илмий-техникавий имкониятлардан фойдаланишда ҳамкорликнинг ривожлантирилишини рағбатлантирадилар.

VI-МОДДА

Томонлар кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни кучайтирадилар. Иқтисодий ва бошқарув, банк иши, савдо, саноат ишлаб чиқариши ва халқаро ҳуқуқ соҳалари учун кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берадилар.

VII-МОДДА

Томонлар транспорт, туризм, меҳмонхона хўжалиги, ахборот ва алоқа соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириб борадилар. Шу мақсадларда улар ўз ўрталаридаги ҳаво йўлларининг кенгайишини, шунингдек қўшма транспорт ва алоқалар соҳасида қўшма корхоналар очилишини рағбатлантирадилар.

VIII-МОДДА

а) томонлар ўртасидаги мол айрибошлаш, уларнинг экспорт ва импортга оид қонунлари ва қоидаларига биноан, валюта муомаласини тартибга солувчи нормаларга мувофиқ ва томонларнинг ташқи савдода иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Томонлардан ҳеч бири ўз жисмоний ва юридик шахсларининг тижорат ишлари бўйича юзага келадиган мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва

б) томонлар ушбу моддани (а) бандида назарда тутилган мол айрибошлаш амалга оширилаётганда мазкур моллар ўз сифати, нархи, етказиб бериш шарти ва бошқа талаблари жиҳатидан халқаро рақобатга лаёқатли бўлади, деб келишиб оладилар.

IX-МОДДА

Томонлар, ҳар бир томон тайин қилган банклар ушбу битимдан келиб чиқувчи тўловлар тартиби тўғрисида банк битими тузадилар, деб келишиб олдилар. Бундай битим, томонлар мазкур битимни имзолаган кундан бошлаб, олти ойдан кечиктирмай имзоланади.

X-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг эҳтиёжлари ва мақсадга мувофиқ шакллари қўйидагилардан иборат деб ҳисоблайдилар:

а) инвестиция олди тадқиқотларини, техника-иқтисодий асосланмалар ва техникавий лойиҳаларни, хусусан саноат, агросаноат ва ундирма саноат соҳаларида биргаликда ишлаб чиқиш;

б) биргаликдаги илмий тадқиқотлар, тажриба ва инженерлик ишланмалари, илмий-техникавий ахборот алмашиш ва патентлар, лицензиялар ҳамда «Ноу-хау»га доир маълумотларни айрибошлаш;

в) биргаликда семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ташкил қилиш, ишбилармонлар ва олимлар делегацияларини айрибошлаш ҳамда бошқа тадбирлар;

г) маҳсулотларни биргаликда сотиш ва ССЖИ ҳамда учинчи мамлакатларда қўшма корхоналар очиш йўли билан ҳамкорлик қилиш.

XI-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар ушбу битимнинг амалга оширилувига ёрдам бериш мақсадида мунтазам равишда, шунингдек зарурат туғилганда ҳукуматлардан бирининг илтимосига биноан ўзаро маслаҳатлашиб оладилар.

XII-МОДДА

Ушбу битим имзо чекилган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил мобайнида амал қилади. Башарти томонлардан бири ушбу битимнинг амал қилиш муддати тугашидан камида 6 ой муқаддам бошқа томонни битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирмаса, у кейинги беш йилликларда ҳам ўз кучида қолаверади.

Ушбу битим 1991 йил 17 августда Нью-Деҳлида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, рус, ҳинд ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукумати номидан	Ҳиндистон Жумҳурияти ҳукумати номидан
Б. ҲАМИДОВ	МОНТЕК СИНГХ АЛИ ВАЛИЯ
Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари	Ҳиндистон Жумҳурияти савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ҲИНДИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА МАДАНИЯТ, САНЪАТ, ТАЪЛИМ, ФАН, ТУРИЗМ, СПОРТ ВА ОММАВИЙ-АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ

БИТИМ

Қуйида «томонлар» деб аталувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукумати ва Ҳиндистон жумҳурияти ҳукумати:

тарихий ва анъанавий дўстлик туйғуларига амал қилиб, маданият, санъат, таълим, фан, туризм, спорт ва оммавий-ахборот воситалари соҳасида томонлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ниятини изҳор этиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар.

I-МОДДА

Томонлар маданият, санъат, таълим, фан, туризм, спорт ва оммавий-ахборот воситалари соҳаларидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш истагида эканликларини баён этадилар.

II-МОДДА

Томонлар ўзаро маданий айрибошлашларга кўмаклашиш, ҳар иккала томоннинг ўқув, илмий, маданий, спорт ва тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш ва улар ўртасидаги алоқаларнинг ривожини қўллаб-қувватлаш истагини изҳор этадилар.

III-МОДДА

Ҳар бир томон, ўз имкониятлари ва эҳтиёжлари доирасида, бошқа томон тарафидан тавсия этилган фуқароларни ўзининг ўқув, маданий, илмий ва техник муассасаларида ўқитиш, амалий иш тажрибасидан ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва ихтисос бериш учун қабул қилади.

IV-МОДДА

Ҳар иккала томон ушбу битимнинг қоидаларини бажариш учун қулай шароитлар яратиш йўлида барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V-МОДДА

Ушбу битимнинг қоидаларини бажариш мақсадида ҳар иккала томон ҳар бир томоннинг тенг миқдордаги вакилларидан иборат бир гуруҳ тузишга келишиб олдилар.

Гуруҳ қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) айрибошлашларнинг батафсил дастурини ишлаб чиқади ва

б) ушбу битимнинг қандай бажарилаётганлигини вақтивақти билан текшириб туради.

Гуруҳ зарурат туғилганда учрашиб туради.

VI-МОДДА

Ушбу битим унга имзо чекилган вақтдан бошлаб кучга киради ва беш йил мобайнида амал қилади. Башарти томонлардан бири битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қилинганлиги ҳақида битим тугашидан 6 ой муқаддам бошқа томонни огоҳлантириб қўймаса, битим муддати кейинги беш йилликларда ҳам ўз кучида қолаверади.

Мазкур битим 1991 йил 17 августда Нью-Деҳлида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, рус, ҳинд ва инглиз тилларида имзоланди, барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукумати номидан	Ҳиндистон Жумҳурияти ҳукумати номидан
Н. ҒОЙИБОВ, Ўзбекистон ССЖ маданият вазири	Бхаскар ГХОШ Ҳиндистон Жумҳурияти маданият вазирлигининг биринчи ўринбосари

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

(Боши 1-бетда).

Жумҳурият олий ўқув юртлари ва техникумларига қабул имтиҳонлари тугади. Биринчи курсларга пухта тайёргарлик кўрган йигит ва қизлар келишди. Уларнинг анчагина қисмини медаллилар, фанлар бўйича ўтказилган олимпиадаларнинг ғолиблари, истеъдодли болалар учун очилган мактабларнинг битирувчилари ташкил этади. Қабул якунларини чуқур таҳлил этиш, келаси йили ўқув юртларига иқтидорли ёшларни танлашга янгича ёндошувларни аниқлаш муҳимдир.

Ўқув юртлари диққат марказида аввалгидек «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш, рус тилини ўрганишни ташкил этиш тураверади. Жумҳуриятнинг ташқи иқтисодий алоқалари кенгаяётган ҳозирги шароитда хорижий тилларни ўрганиш, айниқса, катта аҳамият касб этаётир.

Барча ўқув-тарбиявий ишлар марказида миллий иноқликни, миллатлараро муносабатлар маданиятини, студентлар ва ўқувчиларда фуқаролик фазилатларини шакллантириш туриши лозим. Ўзбекистондаги энг яхши олий ўқув юртлари ва техникумларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бўлажак мутахассислар ўз ўқувларини, касб-кор тайёргарлигини, маиший турмуш ва истироҳатларини ташкил этишнинг кўпгина жиҳатларини мустақил ижодий ҳал этишлари мумкин. Мамуриятлар ва жамоат ташкилотлари мана шундай ижтимоий фаолликни намоён қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари лозим.

Бугунги кунда ҳар бир жамоада осойишталик ҳукм суриши, ишчанлик вазияти, интизом ва уюшқоқлик бўлиши, ўқув машғулотлари, умуман олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ҳаёти аниқ маромда ўтиши ҳар қачонгидан кўра муҳимдир. Бу ўринда кўп нарса ўқитувчиларнинг тутган йўлига, ўқув юртлари ректорлари, маъмуриятларнинг партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамжиҳатликда оқилона ишлашларига боғлиқдир.

Учрашувни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов олиб борди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров нутқ сўзлади. Учрашувда олий ўқув юртлари ва техникумлари бўлган вазирликларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг матбуот маркази.

ЙИЛ БЎЙИ ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

Партия XXIII съезди номли давлат хўжалиги неча йиллардан бери ўз моллари учун ташқаридан ем-хашак ізларди. Энди эса хўжалик ем-хашак сотиб даромад қилмоқда. Бу ерда ҳар йили камида минг тонна силос, шунча беда пичани, 500 тонна сенаж, 300 тонна сомон сотишлари мумкин.

Яхши ҳосил берадиган ҳамда қайта ва аралаштириб экиладиган озуқа экинларидан фойдаланиш ҳисобига мўл-кўлчилик яратилди. Озуқа экинлари эндиликда қарийб 350 гектар суғориладиган ерда йил бўйи парваришланмоқда. Чунончи, ўтган куз фаслида 226 гектар майдонга буғдой экишди. [illegible]гектар бошига 35 центнердан дон олинди. Силос учун далаларга жўхори экилди — ҳар гектар ердан 330 центнерга етказиб кўкпоя олишни мўлжаллаб туришибди.

Юқори ва ўртача ҳарорат жўхорининг тезроқ ривожланишига кўмаклашмоқда. Экинларнинг ҳосилга кириш даври ёзги экинларга нисбатан 40 кун қисқаради. Буни ҳам ютуқ қаторига қўйиш керак.

(ЎзТАГ мухбири). Оқолтин райони.

Сизга қандай хизмат кўрсатишаяпти?

МУҚАДДАС НАСИБА

Нон дўкони ёнига машина келиб тўхтади. Ҳайдовчи тандирдан ҳозиргина узилган бўрсилдоқ нонларни сотувчига санаб топширди. Дўкон ҳаёт неъматининг хушбўй ва ёқимли ҳидига тўлди. Бир пасда бу ер харидорлар билан гавжумлашди. Истеъмолчилар ўзлари хоҳлаган, дидларига мос нон маҳсулотларини харид қилиб, дўкондан хурсанд бўлиб чиқиб кетишарди. Бу Ульянов районидаги нон ва озиқ-овқат дўконларида ҳар кун такрорланадиган ҳолат.

Инсон учун нондан азиз неъмат йўқ. У табиат яратган энг буюк насиба, ризқ-рўз манбаидир. Ҳозирги бозор муносабати даврида унинг қадри янада ошиб бораяпти. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида нон ва нон маҳсулотлари қимматлашган бир пайтда бизнинг дўконларимизда у олдингидек ҳам арзон, ҳам сероб. Бу жумҳуриятимиз раҳбарларининг одамларга кўрсатаётган чинакам ғамхўрлиги намунасидир. Халқимизда «Нонни тежаган, нонга етади», деган ажойиб мақол бор. Бир неча асрлардан буён халқ тилидан-тилига ўтиб келаётган бу ибора замирида олам-олам маъно ётибди. Нон қадрини қимматчилик пайтларини бошидан кечирган, Улуғ Ватан уруши йилларида бир бурда зоғора учун қанчадан-қанча азият чеккан, қурғоқчилик йилларида ҳосил битмай, нон танқислигининг гувоҳи бўлган қарияларимиз яхши билишади. Зеро, нонга ҳурмат элга ҳурматдир. Шундай экан, нон ҳам, унинг ушоғи ҳам азиз эканлигини эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Аҳолини озиқ-овқат, нон маҳсулотлари билан таъминлаш бошқа минтақалардаги сингари Ульянов районида муҳим муаммоларга айланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ҳар бир кишига ун маромини белгиланди. Бу дўкон пештахталарида нон камайди, хонадонлардан қут-барака кўтарилди дегани эмас. Кўзланган асосий мақсад нон маҳсулотларини тежаш, ундан имкон даражасида самарали фойдаланишдир. Район матлубот жамияти бошқаруви нон комбинати маъмурияти билан маҳсулот сифатини яхшилаб, ишлаб чиқариш турларини кўпайтириш соҳасида қатор тадбирларни амалга ошираяпти. Шу боис қишлоқ аҳолиси бугун нон ва нон маҳсулотларига нисбатан тақчиллик сезмаяпти. Қишлоқ дўконларининг деярли ҳаммасида биринчи ва иккинчи навли ун маҳсулотлари етарли. Аҳоли белгиланган маром бўйича ўзларига тегишли ун маҳсулотларини сотиб олмоқда. Шунинг учун бугун нонвойларимиз хизмат вазифаларига янада жиддийроқ ёндашмоқдалар, пиширилаётган нонларнинг сифати учун жиддийроқ қайғурмоқдалар.

Районда нон комбинати бундан ўн йил олдин ишга туширилган эди. Дастлабки пайтларда унинг қуввати талаб даражада эмасди. Малакали ишчи кадрлар етишмас, бу эса тайёрланадиган нон маҳсулотлари сифатига ўз таъсирини кўрсатарди ва харидорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўларди. Раҳбарлар ҳам бу орада тез-тез янгилаб турилди. Улардан биронтаси аҳволни ўнглаш, комбинатда ишлаб чиқариладиган нон маҳсулотларининг тури ва хилини кўпайтириш, сифатини яхшилаш билан қизиқмади. Кадрлар қўнимсизлиги содир бўлди. Малакали нонвойлар етишмаслиги сабабли ёпилаётган нонлар кўпинча хом бўлиб, қингир-қийшиқ ҳолда дўконларга чиқарилди. Сифатсиз нонлар пештахталарда қолиб кетарди.

Комбинатга Ҳамро Аҳмедов директор этиб тайинлангандан сўнг муаммолар астасекин бартараф қилинди. Нон ва нон маҳсулотлари корхонаси қайта таъмирланди, қуввати оширилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ун элаш, хамир қориш, зувала узиш, нон ясаш бугун механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Хамирни ёниб турган печкаларга узатиш жараёнлари ҳам техника қўлида. Бу ерда иш уч навбатда ташкил этилган бўлиб, нонвойлар бригада услуби бўйича ишламоқдалар. Маҳсулот сифатига қараб иш ҳақи ошади. Комбинатда шу йилнинг 1 апрелига қадар 18—20 турда нон ва булочка маҳсулотлари ишлаб чиқарилар эди. Бозор муносабатига ўтилиши билан нарх-наво кескин ошганлиги сабабли унинг хиллари камайди.

Ҳозир ҳар бир меҳнаткаш ўз етакчисидан, мадад излаётган пайт. Раҳбар ходимлар ҳақида ўйлаганимда доноларнинг бир суҳбати ёдимга тушади. У оқил ва тадбиркор бўлса, жамоани ўз атрофига жипслаштира олса, меҳнат унумдорлиги ошиб, белгиланган режа муваффақиятли бажарилади. Ҳамро Аҳмедов ана шундай тадбиркор раҳбарлардан бўлганлиги учун ҳам район меҳнаткашларининг талаб ва эҳтиёжларига яраша нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Дастлабки йилларда 10—12 тонна атрофида нон тайёрланган бўлса, ҳозир бу ерда 20—25 тоннагача, айрим ҳолларда 26—30 тоннагача нон ёпилмоқда. Комбинат район аҳолисига йилига 1350—1400 тонна атрофида нон ва нон маҳсулотлари, 135—140 тонна ширинлик етказиб бермоқда.

Нон маҳсулотларининг сифатини яхшилаш мақсадида корхона қошида лаборатория ишлаяпти. Бу ерда текширувлар ўз вақтида бажарилади. Шу сабабли нон ва нон маҳсулотларининг сифати яхшиланмоқда. Жамоа пудратига ўтиб ишлаётган Шерали Набиев, Асқар Салоҳиддинов, Нурмамат Халилов, Шобиби Тўхтаева, Асал Остонова, Ойдин Турдиевалар хизматидан кўпчилик мамнун.

Ҳамро район маркази ва давлат хўжаликлари ҳудудида оби нон пиширадиган 7 та цех очилди. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил қилмоқда. Масалан, Қудрат Ҳамроев бошчилик қилаётган цехда асосан ўзбек миллий нонлари тайёрланаяпти. Жамоа аҳли бу йил эл дастурхонига 60 тонна сифатли нон етказиб беришга аҳд қилган.

Чори Холмуродов бошлиқ нонвойлар ҳам 50 тонна нон сотишга аҳд қилганлар. Ҳозир у бошқараётган цехда ёпилаётган миллий нонларга талаб катта.

Комбинат қошида халқ учун истеъмол моллари, турли хил ширинликлар ишлаб чиқарадиган цехлар бор. Келдиёр Абдурасулов шу жамоага раҳбар. Бу ерда 7 турдаги ширинлик — наввот, ҳолва, парварда тайёрланади. Ака-ука Фахриддин, Раҳмиддин Баҳриев сингари қандолатчилар ишда жонбозлик кўрсатишаяпти. Ширинликлар озиқ-овқат дўконлари орқали аҳолига сотилмоқда.

Комбинат қошида салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Шишаларни ювиш, қопқоқлаш, ичимликларга тўлдириш ярим автомат усулида бажарилаётганлиги туфайли қўл меҳнати енгиллашди. Ҳозир бу ерда «Самарқанд гулоби», «Тархун», «Лимон», «Апельсин», каби ичимликлар тайёрланмоқда. Аҳолининг, айниқса тўй қилувчиларнинг ширин ичимликларга бўлган талаби кун сайин ошиб бораяпти. Эл эҳтиёжини қондириш комбинат аҳлининг муқаддас бурчидир. Чанқоқбосди ичимликлар тайёрлашда Гулмат Эшонқулов бошлиқ 4 кишидан иборат жамоа аҳли самарали меҳнат қилаяпти. Шуҳрат Қўлтоев, Маҳмадиёр Эшонқулов каби ишчилар кунлик нормаларини ошириб бажаришмоқда.

Иқтисодий танглик кучайиб, нарх-наво ошган шароитда оғир ва шарафли вазифани ўз зиммаларига олган нонвойлар, моҳир пазандалар, қандолатчилар тайёрлаган маҳсулотлар билан биринчи навбатда райондаги болалар боғчалари, касалхоналар, ҳунар-техника билим юртлари, мактаблар, умумий овқатланиш корхонасига қарашли савдо дўконлари таъминланмоқда. Нон маҳсулотларини ўз вақтида харидорларга етказиб беришда Саид Жумаев, Ҳамро Хазаров сингари шофёрлар тиним билишмаяпти.

Комбинатда ишчиларнинг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратилган. Дам олиш хоналари ҳамиша улар хизматида. Барча ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланган.

Бу эса меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини оширишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Жўра ЮСУПОВ.

ҚУЁШ КОРХОНАСИ МУАММОЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари К. Юсупов ва А. Абдувосиқов қуёш физикаси бирлашмасига қарашли илмий-тадқиқот илмгоҳи ва «қуёш» комплекси ходимлари билан учрашдилар. Партия ходимлари ушбу комплекс билан қизиққанлигининг боиси нимада?

...Паркентдан олти километр нарида жойлашган «Қуёшистон»нинг мўъжизалари ҳақида камдан-кам ёзишар эди. Бу ердаги олимларнинг тадқиқотлари «махфий» ҳисобланиб, мудофаага хизмат қилар эди. Мана энди конверсия тўғайли баъзида бир нарсаларни айтиш мумкин бўлиб қолди.

Эгри-бугри тоғ йўллари сизни юксакда, қуёш нурларида товланиб турган шоён қурилмалар томон олиб чиқади. Улкан ойнаванд ускуналар, нодир металлардан юксак муҳандислик санъати билан бунёд этилган қурилмалар кишини ҳайратга солади. Жами уч минг квадрат метрдан кўпроқ саҳнли 62 та гелиостат гўё кунгабоқар сингари қуёшга юз буриб, нур тўплаб беради. Улар минг киловаттгача иссиқлик энергиясини шу «қуёш печи»га жамлайди. Бундай улкан иншоот жаҳонда ягонадир.

Ҳаво беғубор бўлиб турадиган қиш ойларида бу «печ»даги ҳарорат 2,5 минг даражага етади. Бу платина сингари ноёб металл эрийдиган ҳароратдан икки баравар юқоридир. Иссиқликнинг шу даражада тўпланиши қийин эрийдиган бирикмалардан материал синтезлаш имконини беради.

Нодир бу комплекснинг бундан буёнги вазифа, муаммо ва истиқболи қандай?

Жумҳуриятда материал-шунослик фанини ривожлантириш, бунинг учун қуёш нурини жиловлаб, уни инсон эҳтиёжи учун хизмат қилдириш лозимлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб академик Содиқ Азимов ўртага ташлаган эди. Бугунги кунда унинг ишини Қодир Ғафурович Ғуломов бошчилигидаги олимлар давом эттиришмоқда.

Материални қуёш ҳароратидан ҳосил бўлган юқори даражадаги иссиқлик билан эритишнинг ўзига хос афзалликлари борлиги яхши маълум. Бу экология жиҳатидан ғоят софдир. Бунинг устига шундай «қуёш печи»да кокс ёки бошқа иссиқлик ажратувчи элементларнинг йўқлиги туфайли ўта соф, пишиқ, оловбардош ва сифатли маҳсулот олинади.

— Илгари қуёш нурида эритилган материалларнинг кукуни олиниб мамлакатнинг бошқа шаҳарларига юборилар эди, — дейди комплекс директори Илҳом Пирматов. — Эндиликда эса улардан ўзимизда маҳсулот тайёрланмоқда. Ишни шундай ташкил этиш иқтисодий самарадорликни оширади. Ишлаб чиқарилаётган пировард маҳсулот корхона учун зарур асбоб-ускуна ва бошқа буюмларга алмаштирилмоқда.

Комплекс ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳалари учун маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Агрессив муҳитларда ишлаш имконини берадиган фтулка, қиздиргич, фильтр ва шу сингари маҳсулот истеъмолчиларга, айниқса манзур бўлмоқда.

Жамоа хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда, у бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўз меҳнати натижаларидан мамнун бўлмоқда. Комплекс асосий юмушидан ташқари Коммунистик ва Паркент районлари аҳолисининг бир қисмини ичимлик сув ва электр энергия билан таъминламоқда. Посёлкада яшаётган ишчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун ҳар йили 200—250 минг сўм сарфланмоқда.

Корхона райондаги кўпгина аҳолини иш билан таъминлади. Бироқ мутахассисларнинг асосий қисми четдан келиб ишлар эди. Паркентда юз берган маълум воқеалар сабабли уларнинг кўпи кетиб қолди. Бу ачинарли ҳолдир, албатта. Чунки улар иштирокида ўтказилган кўп йиллик илмий изланишлар ўз самарасини бериши учун эндигина шароит яратилди. Ҳозир фақат кўргазмалардагина намойиш қилинаётган нодир буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўшимча корхоналар қуриш зарур. Таниқли олимлар Р. Раҳимов ва Р. Авезов томонидан ишлаб чиқилган мева ва сабзавотни қуритиш қурилмаларидан амалда фойдаланиш учун «Узплодоовощпром» концерн билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Хуллас, бу ерда истиқболли ишланмалар оз эмас. Афсуски, уларни жорий этиш билан ижодий ходимларнинг ўзлари шуғулланмоқдалар. Бу эса янгиликни амалда қўлланишга, шунингдек фундаментал фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Чунки олим кўпинча янгиликни жорий этувчи корхонани излаб қиматли вақтини бой бермоқда. Ваҳоланки, олим илмий ечимларни ҳал қилиши, амалиёт билан эса ишлаб чиқариш корхоналари шуғулланиши лозим.

П. НИШОНОВ, ЎзТАГ мухбири.

Фанимиз заҳматкашлари

ОЛИМ ОЛАМИ



Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда у умридан, ўтган кунидан қониқиб яшаши керак. Виждонига хилоф иш қилмаса бундан улуғ бахт йўқ. Қуёш чиқмасдан уйғониб, қош қорайгунча ишлайдиган меҳнаткаш, содда ва бағри кенг халқимизнинг заҳматли меҳнатига, қувончию ташвишига, эзгу ниятига доимо камарбаста шундай тоифадаги одамлар борки, биз улар билан доимо фахрланамиз. Ана шундайлардан бири таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Тожиддин Зокировдир.

— Тожиддин Солижонович тинибтинчимас, баркамол олим, — дейди Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, профессор Ш. И. Иброҳимов. — У агрохимия, тупроқшунослик ва деҳқончилик соҳасида кўп йиллардан бери илмий тадқиқот ишларини олиб бораяпти. Пахта ҳосилдорлигини оширишда, сифатли тола етиштиришда пахтачилик фанининг ҳиссаси беқиёс. Бу борада профессор Т. Зокиров самарали хизмат қилиб келмоқда. У синчков олим, меҳрибон устоз бўлиш баробарида жамоат ишларида кўпчиликка ўрнак ҳамдир.

Олимнинг 1968 йили нашрдан чиққан биринчи йирик асари «Ғўзани химиявий дефолиация қилиш ва баргини қуритиш» деб номланган бўлиб, унда пахтачиликда турли дефолиантлардан фойдаланишнинг агрономия асослари яратиб берилди. Ушбу тадқиқот учун олим қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олди. Унинг навбатдаги тадқиқот ишлари Ўзбекистоннинг пахтачилик ҳудудларида тупроқ тури ва таркибининг агрокимёвий хусусиятларини ўрганишга бағишланди.

Т. Зокиров бир неча йиллар олиб борган илмий ишларини тамомлаб «Химия ва пахтачилик» деган китоб ёзди. Унда кўтарилган муаммолар янгича ечим топди. У Тошкент давлат дорилфунунида педагогик фаолиятини илмий тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борди. Самарали меҳнати унинг Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимия институтига директорлик қилган даврда, айниқса равшан кўринди. Олимнинг тадқиқот қамрови йилдан-йилга кенгайиб, деҳқончилик, агрокимё, тупроқшунослик ва агрономия соҳаларига ҳам кириб борди.

1979 йили унинг «Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида деҳқончилик маданияти» номли монографияси босилиб чиқди. Ушбу китобда агрокимё ва деҳқончиликнинг долзарб масалалари баён этилди. Олимнинг чуқур изланишлари маҳсули агрокимё фанида алоҳида воқеа бўлди. Матбуот саҳифаларида унга бағишланган қатор тақризлар босилиб, муаллифга илм-фан соҳасида яхши тилаклар билдирилди. 1982 йили нашрдан чиққан «Пахтачиликнинг тупроқшунослик ва агрохимия асослари» асарида олим пахта ҳосилдорлигини оширишда тупроқ агрохимияси масалаларини кенг ёритди. Мазкур китоб мутахассислар ва жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Ҳозирга қадар иқтидорли фан заҳматкаши Т. Зокиров томонидан 170 дан зиёд илмий мақолалар, 8 та монография чоп этилди. Талабчан устоз раҳбарлигида 29 нафар фан номзоди тайёрланди. Кўплаб илмий асарлар тўплами бевосита унинг муҳаррирлигида босилиб чиқди. Айни пайтда профессор Т. Зокиров пахтачилик илмини бошқариб турувчи ва кандидатлик, докторлик илмий даражасини берадиган кенгашларнинг доимий аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. У мамлакатимизнинг етук олимлари билан мунтазам алоқа боғлаб, фан ютуқларини ҳаётга изчил тадбиқ қилиш борасида хайрли ишларни амалга ошираётир. Деҳқончилик, агрокимё, тупроқшунослик соҳасида ўтказилган бир қанча Бутуниттифоқ илмий конференцияларининг ташкилотчисидир. Олимнинг илмий тадқиқотлари натижалари мамлакат ва жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида тайёрланадиган ва нашр этиладиган жуда кўп тавсия кўрсатмаларида ўз аксини топди. Хизматлари ҳукуматимизнинг қатор унвонлари билан тақдирланди. Фаол олим педагогик-жамоатчилик ҳурматига ва иззат-эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Илм-фанимиз заҳматкаши — ўзбек деҳқонининг маслакдўйи, зукко олим бугун босиб ўтган умр йўлига ҳавас-ла боқишга ҳақлидир. Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшган қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Тожиддин Солижонович Зокировни олтмиш ёш билан қизғин қутлаймиз ва илмий ишларига равнақ тилаймиз

Э. ШАРОПОВ, илмий ходим.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИ КОН

ОЛМАОТА. Шаҳар олимларининг Бойқўнғир космодроми яқинида жуда катта нефть-газ ҳавзаси жойлашганлиги тўғрисидаги тахминларини Қозоғистон геология-қидирув хизмати ходимлари амалда тасдиқладилар. Саҳро қаърида учта углеводород хом-ашёси кони топилди. Уларнинг ҳар биридан саноатда ишлатиладиган нефть намуналари олинди. Айни вақтда харитага нефть ҳамда газ истиқболли конларидан яна бештаси киритилди. Янги нефть ҳавзаси автомобиль ва авиация бензини ишлаб чиқариш учун яроқлидир. У ҳозирги ўлчовларга нисбатан унча чуқур бўлмаган ерларда — атиги икки минг метргача бўлган чуқурликда жойлашган.

(ҚозТАГ—ТАСС).

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИ УНУТМАЙЛИК

ДРУЖКОВКА. (Донецк вилояти). «Ватан ҳимоячиларининг хотираси абадий бўлиши керак» — машинасозлар шаҳридаги бир қанча корхоналарда ана шундай шиор остида йиғилишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Львов вилоятидаги халқ депутатлари Яваров совети маблағ йўқлиги сабабли ҳалок бўлган жангчиларнинг биродарлик қабристонидаги оловни ўчириш тўғрисида қарор қабул қилганлиги хусусида матбуотда пайдо бўлган хабарлар корхоналарнинг меҳнаткашларини ташвишга солди. Дружковкаликлар — турли партиялар, ҳаракатлар аъзоларининг, партиясизлар ва пенсионерларнинг фикри якдил бўлди: қай даражада оғир даврни бошимиздан кечирмайлик ўтган урушда озодлигимиз учун ҳалок бўлганлар хотирасини унутиб бўлмайди. Шаҳар коммунистларининг ташаббуси билан Яваров ёдгорлигини сақлаш учун маблағ йиғила бошлади. Дружковкадаги олти корхона жамоаси 1,5 минг сўм миқдорида ғарбий Украина шаҳрининг ёрдам жамғармасига дастлабки бадални ўтказди.

(Укринформ-ТАСС).

БИНОЛАР БУШ ҚОЛМАЙДИ

КЕМЕРОВО. Кузнецк металлургия комбинатида янги ошхоналар ташкил этишда халқимиз уруш даврида бомбадан сақланадиган ерлар деб атаган фуқаро мудофааси иншоотларидан фойдаланила бошланди. Бу иншоотлар қурилишига кўп маблағ сарфланганлиги маълум. Энди Кузбасс фуқаро мудофааси идораларининг розилиги билан бу бинолар-га спорт заллари, ремонт ишлаб чиқариш устахоналари, омборлар жойлаштирилмоқда. Табиийки, фуқаро мудофааси иншоотларининг ускуналари ишга яроқли ҳолда сақланади, уларга путур етмайди.

(ТАСС).

КОММУНИСТНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

ЭЪТИҚОД

«Мустаҳкам иман ва эътиқод эгаси Ҳамза Исоқов 30 йилдан буён Мирзачўлда фидойилик кўрсатмоқда. Уч азамат ўғлини ёнига олиб, пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаяпти. У бошқарувчилик қилаётган бўлим заршунослари уч йилдан буён йиллик режани районда биринчи бўлиб бажаришга мушарраф бўлишаяпти. Ота-бола чўлқуварлар бу йил ҳам биринчи бўлишмоқчи».

(Оқолтин район партия комитетининг биринчи котиби, район Кенгаши раиси А. Қаюмов сўзидан).

Кутилмаганда ҳавонинг авзойи бузилди. Қунчиқар томондан қора қуюн кўтарилди. Ҳамзахон эски чўпонига бурканаркан умрдошига разм солди. Унинг синиққан чеҳраси, ич-ичига ботган кўзлари, чўл шамолида ёрилган қўлларини кўриб ўзини гуноҳкор сезди. «Ҳаммадан ҳам шунга қийин бўлди, хаёлидан ўтказди у, икки ойда шилинниб тушди. Аммо иродасига қойил. Қанчалик оғир бўлмасин бирон маротаба нолимади».

Орадан ярим соат ўтгач, қуёш қайта жамол кўрсатди. Ҳамза қум уюмлари орасидаги кулбадан хавотирланиб чиқиб келаётган хотинига шундай деди:

— Ҳозирча чўл ном шу. Аммо ҳеч ким тушкунликка тушма. Мана кўрасан, қисқа вақт ичида бу ерлар албатта гулистонга айланади.

Асл деҳқон оиласида вояга етган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган Мамлакатхон маъқул ишорасини қилиб бош чайқади. Қиш оғир келди. Улар йигирма киши эдилар. Тўрт ойда бешовлон қолишди. Чўл машақкатига бардош беришнинг ўзи бўлмайди. Кечалари гулхан ёқиб аранг жон сақлашарди. Изғирин, сув муаммоси жонни ҳалқумга келтирарди. Бахтларига чўл заблкорлари сафи кенгая борди. Вагон уйлар кўпайди, таъминот яхшиланди. Одамлар оғир дамларда бир-бирларини қўллаб-қувватлашар, борларини баҳам кўришарди. Ҳамза Исоқов чўл байналмилал тарбия мактаби эканлигига чуқур ишонч ҳосил қилди. Ёниб, жўшиб ишлади. Халқ — қудратли куч. Фидокорларнинг заҳматли меҳнати туфайли мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи кўздиган дашту биёбонлар ўрнида пахтазорлар барпо этилди. Янги посёлкалар қад ростлади. Ёш коммунист пахтачиликни ривожлантириш ишига улуш қўшишга жазм қилди. Ҳал қилувчи дамларда эътиқодли, ишбилармон, айни пайтда ўта талабчан деҳқон эканлигини кўрсатди. Қаерда ишламасин ишончни оқлади, ташаббускорлик кўрсатди.

У меҳнат қилаётган Тоиров номли совхозда (аввалги Абдалин номли) муаммолар қалашиб кетганди. Чўл ўзлаштиришга бир ёқлама ёндашиш оқибатида маданий-маиший, тиббий, савдо хизмати ҳаёт талабидан орқада қолганди. Баъзи уйлар, суғориш тармоқлари шошилинч равишда қурилди. Коллектор ва дренажлар қисқа вақт ичида яроқсиз ҳолга келди. Ерларни зах босди. Директор, моҳир ишкилотчи Жўрақул Тўхтаев камчиликларни бартараф этиш йўлида жонбозлик кўрсатди. Вақти келса раҳбарлар билан талашибтортишишдан чўчимади. Мушкул шароит қўлни-қўлга бериб, қаттиқ меҳнат қилишни тақозо этарди. Коммунистлар ишнинг оғирини елкаларига олишди. Қатор мутахассислар қўйи бўғинларга ишга ўтдилар. 3-бўлимда танг аҳвол юзага келганди. Ўта шўрланган замин пахта етиштиришга деярли яроқсиз эди. Даромаднинг тайини йўқ, ишчи кучи етишмайди. Хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплаган Ҳамза Исоқовни шу бўлимга бошқарувчи этиб тайинлашди.

Масъулиятли, синов дамлари бошланди. Ҳ. Исоқов одамларнинг яшаш шароити, орзу интилишлари билан яқиндан танишди. Муҳтожларни қўллаб-қувватлади. Ҳар хонадонда сигир бўлсин, дея куйиб-пишди. Ҳашар йўли билан шийпонлар бунёд этди. Деҳқонлар бу ишбилармон раҳбар билан мақсадга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишди. Дала шийпонларида ҳар куни иссиқ овқат, чой тайёрланди. Ёш болали оналарга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди. Бригадалар томорқаларида етиштирилган сабзавот, мева, резаворлар асқотди.

Бўлим бошқарувчиси ҳар иш жойида соғлом муҳит яратишга, ижро интизомини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирди. Бригада бошлиқлари фаолиятини назоратга олди. Инсон тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ўн ўлчаб, бир кесди. Етакчи мутахассислар бригадир М. Избосаров тажрибасизлик қилаётганини таъкидлашди. Исоқов хулоса чиқаришга шошилмади. Мусажон билан дилдан суҳбатлашди. Дала кезиб, режалари билан танишди. Янглишмаган экан, 1-бригада бошлиғи ғайратли, таваккал қилишдан чўчимайдиган деҳқон бўлиб чиқди. Фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини биринчилардан бўлиб жорий этибди. Фақат айрим ўринларда чўлнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олмаган.

Бўлим бошқарувчиси ширин сўзи, шахсий ибрати билан ёшларни олға ундади. Пахтачиликка механизацияни жорий этишда Мусажонга ўхшаган янгилик ихлосмандларига суянди. Ўша мавсумда 1-бригада бошлиғи ажойиб фазилатларини намоён этди. Қурғоқчиликка қарамай далада мўл ҳосил яратилди. Механизатор Зокир Раҳмонов йиғим-терим мавсуми қаҳрамони бўлди. Пўлат этакдан қарийб 130 тонна оқ олтин тўкди.

Қуёш тикка кўтарилган. Оёқ кийим қанчалик қалин бўлмасин ер таңдирдек қизиётганлиги сезилади. Чўл одамларига меҳр билан назар ташлаймиз. Қора терга ботган, юзлари шамолда қорайган. Ўнг томонда эгат оралаб бўлим бошқарувчиси Ҳамза Исоқов ва бригадир Мусажон Избосаров келишарди. Қиёфаларида ишонч, мамнунлик аломати сезилиб турибди.

— Августнинг биринчи ўн беш кунлигида кечаю-кундуз тиним билмадик, — дейди бўлим саркори. — Одамларга раҳмат, чинакам пахтапарвар эканликларини бу йил ҳам исботлашди. Қатор бригадалар биринчи теримдаёқ йиллик режани бажаришади. Ҳосилдорлик гектарига камида 29 центнерни ташкил этади.

Ғўзалар ривожи кўзни қувнатади. Ҳар тупида 12—14 тадан кўсак бор. Муваффақият омили — мустаҳкам интизом, сифатли ишлов, суғориш ва маҳаллий ўғит экан. Шийпонда тажрибакорлар, механизаторлар, бригада бошлиқлари билан суҳбат қурдик. Сувчи Раҳмон ота ибратли воқеа ҳақида ҳикоя қилди:

Деҳқончиликда дастлабки натижалар билан кифояланиш, ютуқлардан эсанкираш кетмайди, — дейди ота. — Раймижон Эшназаров ёш бўлса-да унча-мунча чўлқуварга дарс беради. Мўл, арзон, сифатли ҳосил етиштиришда олдига тушадигани кам. Кутилмаганда юриш-туриши, ишга муносабати ўзгариб қолди. Бўлим бошқарувчиси Ҳамзахон у билан суҳбатлашиб, камчиликларини рўй-рост таъкидлади, ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларни яхши ривожлантириш юзасидан маслаҳатлар берди. Аммо Раймижон ўзига, имкониятига ортиқча баҳо берди. Сентябрь яқинлашмоқда эди. Шунда Ҳ. Исоқов бир гуруҳ тажрибакорлар билан ташриф буюриб, далани синчиклаб кўздан кечирди. Аҳвол ташвишли эди. У ишнинг тепасида қаттиқ туриб, парваришга зўр берди. Хонадонлардан гўнг ташиб келтирди. Ҳашаротга қарши курашди. Кечки бўлса-да, ҳар қолда кўзланган миқдорда ҳосил тўпланди. Бригада кеч кузда базўр маррага етди. Агар бўлим бошқарувчиси қатъиятлик, талабчанлик кўрсатмаганида уялиб қолишимиз ҳеч гап эмасди. Ҳамзахоннинг бир фазилати менга маъқул: гапбозликни ёқтирмайди, камсуқум. Ҳосил тақдири ҳал бўлаётганида дала бошидан нари кетмайди. Том маънода ишбилармон раҳбар. Ниятимиз бу йил ҳосилдорликни гектарига 4 центнерга ошириш. Давлатга 175 тонна жавоҳир топшириш.

Нуфузли йиғилишларда Сергели қишлоғи деҳқонлари қаттиқ танқид қилинарди. Бир куни райондан келган вакил ҳам уларни айблай кетди.

— Кечирасиз, — дея уни шартта бўлди Исоқов. — Аввал одамларга яхши шароит яратиб, кейин натижа талаб қилишимиз керак. Ахир фидойилик, роҳат-фароғатдан кечиб ишлаш шунчалик бўлар. Икки бригада аъзолари 8—10 чақирим йўл босиб ишлашади. Маданий-маиший шароит ночор аҳволда. Ҳатто ичимлик сув муаммо. Шундай шароитда ишлаб, режани бажаришаяпти. Уларга минг бор қуллуқ қилайлик.

Ўша йиғилишдан кейин ҳамма ҳаракатга тушиб қолди. Қишлоқда дастлабки уйлар қурилди. Йўллар бунёдга келди. Бўлим бошлиғи, коммунистлар қўл қовуштириб ўтиришмади. Ташаббус кўрсатиб, 35 гектар ерга буғдой, икки гектарга шоли экишди. Ишчиларга 200 килограммдан буғдой, жами 5 тонна шоли тарқатилди. Иқтисодий манфаатдорлик таъминлана бошлади. Жумҳурият Президентининг фармонлари янада мададкор бўлди. Томорқалар гуллади, хонадонларда чорва моллари кўпайди. Ўтган йили бўлим ишчи ва хизматчиларига 260 минг сўм мукофот пули берилди.

Оқолтин район партия комитетида ҳам Ҳамза Исоқов ҳақида яхши фикрларни айтишди. 30 йиллик чўлқувар қанчадан-қанча ёшларни ҳаётда ўз бахтларини топишларига сабабчи бўлди. Ўша воқеани Ҳамза ака ҳали унутмайди. Эрта қўклам, Чигит экишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Сезиб юрибди, звено бошлиғи Абдураҳим Ёрматовнинг кайфияти йўқ. Ҳамза ака унинг умрдоши билан фикрлашди. Онладан барака кўтарилибди. У звено бошлиғи билан очиқчасига гаплашиб олди. Ҳар куни даласига икки-уч келиб, иш сифатини кўздан кечирди. Кам-кўстини бут қилди. Лозим бўлганида қўшни бўлимлардан ёрдам қучи ташлади. Абдураҳим хатосини тушунди, иштиёқ билан меҳнат қилди. Ўтган йили биринчилар қаторида маррага етди. Онласи билан қарийб олти минг сўм мукофот олди.

— Ҳаётда яхши одамлар кўп, — дейди А. Ёрматов. — Аммо Ҳамзахон акага бўлган меҳрим, ҳурматим бўлакча. У ёнимизда бўлса иш силлиқ кетади. Ҳар қандай шароитда ҳам мушкулот енгиб ўтилади. Бу йил ёғингарчилик эзди. Катта майдонларга чигит қайта экилди. Аммо ғўзаларга бир қаранг, ҳосил тугунчалари чакки эмас. Буларнинг ҳаммасида эътиқодли коммунист Ҳ. Исоқовнинг хизмати катта. Чўл лочини улуғ номни 32 йилдан буён ҳалол меҳнати билан шарафлаб келмоқда. Биз партия ва халқ ишига садоқатни ана шундай кишилардан ўрганишимиз керак!

Ҳамза ака чўлга келиб кам бўлмади. Тўғри, қачонлардир маъмурий буйруқбозлик услубининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Бироқ асло ниждонига қарши бормади. Юзлаб қадрдонлари қатори дашту биёбонда дур ундирди. Чўл уни ҳам камол топтирди. Мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган пахтакор сифатида танилди. Умрдоши билан 8 фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Не бахтки, ўғил ва қизлари оталари каби меҳнатсевар, пахтапарвар бўлиб вояга етишди.

Ўша файзли кўклам тонги чўлқувар учун энг бахтли кун ҳисобланади. Одатдагидек барвақт далага отланаркан, кўча эшиги ёнида ўғиллари Акмал, Икром, Шерзод кутиб туришганини кўрди.

— Хўш, болаларим, йўл бўлсин?

— Отажон, — вазмин оҳангда гап бошлади Акмал. — Сиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Пахта йўли ойдин йўл эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Учовлон маслаҳатни бир ерга қўйдик: заршунос бўламиз. Ахир биз ҳам чўл фарзандларимиз!

Ҳамза ака ўғиллари томон оҳиста қадам ташларкан қалтироқ товушда деди:

— Болажонларим, мени қанчалик хурсанд қилганингизни билсангиз эди. Асл йигитнинг иши бу. Биргалашсак, тоғни талқон қиламиз.

Исоқовлар оиласи 22 гектар ерни ижарага олди. Вақт билан ҳисоблашмай ишлашди. Ҳар бир ниҳол меҳр зиёси билан ардоқланди. Натижа кутилгандан яхши бўлди. Биринчи йилиёқ ҳосилдорлик гектарига қарийб 30 центнерни ташкил этди. Кузакда улар 21 минг сўм даромад қилдилар.

Раҳбарга, қайфиятга кўп нарса боғлиқ экан. Бўлим ишчилари тиниб-тинчимас инсонни ўзларига яқин олиб қолишди. Барча кўтаринкилик билан меҳнат қилди. Иш олдинга босди. Пировард натижада бўлим уч йил сурункасига давлатга пахта топшириш йиллик режани Оқолтин районида биринчи бўлиб бажарди. Жорий йилда ҳам муваффақият таъминланади.

Мазкур жамоада оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Шийпонлар деҳқон оромгоҳига айланган. Абдувоид Алимов, Тошпўлат Неъматов каби сўз усталари таъсирчан чиқишлари билан пахтакорларга руҳ ва мадад бағишлашмоқда. Цех партия ташкилоти котиби Азим Мамазиёев коммунистлар раҳнамолигини, партиявий таъсирни кучайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Шу боис бу ерда ҳамжиҳатлик, кўтаринкилик ҳукмрон. Чўлқуварлар ғўза парваришини сусайтирмаган ҳолда, йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўришаяпти. Ниятлари мавжуд ҳосилнинг камида 95 фоизини машиналар ёрдамида териб олишдир. Азимжон Умматов, Абдулқосим Эгамназаров, Абдуманнон Юсупов каби дала дарғалари муҳим ишда барчага намуна.

Бугун совхоз далаларининг файзи ўзгача. Шода-шода кўсаклар бу йил куз баракали бўлишидан дарак беради. Ташаббускор коммунист Ҳамза Исоқов одатдагидек пайкал ораламоқда. Орачира механизаторларга нималарнидир уқтиради. Баъзида эса қўлига кетмон олиб, сувчиларга ёрдамга ўтади. Сўнгги автобусга шошилаётган бўлсак-да, номи Мирзачўлда ҳурмат билан тилга олинаётган Ҳамза Исоқов билан сира хайрлашгимиз келмасди.

М. ҚАЮМОВ.

«Қишлоқ ҳақиқати» материаллари изидан

ИМТИЁЗ АСОСИДА

Ҳамза номидаги Шаҳрисабз педагогика билим юрти толиби Сайдали Абдулазизовнинг муҳарририятимизга йўллаган шикоят хатига мазкур билим юртининг директори М. Маматов имзоси билан жавоб олдик:

«Билим юрти маъмуриятти Сизлар юборган хатга мувофиқ шуни маълум қиладики, билим юртининг 3-курс толиби С. Абдулазизов отаонаси бўлмагани ва билим юртида фақат аъло баҳога ўқиётганлиги учун апрель ойидан бошлаб қуйидаги имтиёзлардан фойдаланмоқда:

1. 210 сўм ойлик стипендия;

2. 36 сўм овқат пули;

3. Боласи учун 80 сўм нафақа;

4. Боласи учун ҳар кварталда 50 сўмдан кийим пули.

Бу бир ойга ўртача 342 сўмни ташкил этади. Бизда ҳозирча бошқа имтиёзлар бўйича нафақа тўлаш ҳақида махсус кўрсатма йўқ. Шундай ҳуқуққа эга бўлсак биргина С. Абдулазизовга эмас, балки оилали бошқа талабаларимизга ҳам қўшимча нафақа беришни йўлга қўямиз.

ҚЎШИМЧА ЁРДАМ

«Тошкент районининг Киров номли қишлоқ Кенгаши ҳудудида битта тиббий ёрдам машинаси бор. Бу ҳудудда 17 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Тиббий ёрдам машинаси шофёри Маҳмуд Аҳмаджонов, фельдшер Элмурод Қоратоевларнинг тинмай ишлашига қарамасдан беморларни, ҳомиладор аёлларни ўз вақтида район марказидаги шифохонага олиб бориш қийин бўлмоқда. Район марказий шифохонасининг мутасаддилари бу ҳудуд учун яна битта тиббий ёрдам машинаси ажратишса кўп ноҳушликларнинг олди олинган бўларди...».

Мазкур сатрлар Тузалбек Дўсановнинг рўзномамизга йўллаган шикоят хатидан келтирилди. Биз ушбу шикоятни чора кўриш учун Тошкент район тиббий бирлашмасига юборгандик. Яқинда РТБ бош шифокори А. Мажидов имзоси билан жавоб олдик:

«Тошкент район тиббий бирлашмаси маъмуриятти шуни маълум қиладики, Тузалбек Дўсанов томонидан 1991 йил 28 март куни «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига ёзилган ариза махсус текширув гуруҳимиз томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, махсус буйруғимизга асосан Киров номли қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги тез тиббий ёрдам бўлими ихтиёрига қўшимча равишда транспорт ажратилди.

«ҚАЧОН МАШИНА ОЛАМАН?»

«Мен 1978 йил январь ойида район ижроия қўмитасига «Жигули» енгил автомобили олиш учун ариза берганман. Лекин ҳанузгача ололмай ووарман. Навбатим 1989 йилда келган. Шундан буён район ижроия қўмитаси эртага келинг, индинга келинг деб овора қилгани-қилган. Шу орада вилоят ижроия қўмитасига ҳам учрадим, лекин фойдаси бўлмади...».

Мазкур сатрлар Нурмамат Чориевнинг бизга йўллаган шикоят хатидан келтирилди. Биз ушбу шикоят хатини текшириб, чора кўриш учун Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига юборгандик. Яқинда вилоят ижроия қўмитасига раисининг муовини У. Нуруллаев имзоси билан жавоб олдик:

«Фуқаро Н. Чориевнинг хати вилоят ижроия қўмитаси томонидан текширилди. Ҳақиқатан Н. Чориев 1990 йил 22 май куни маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг 196 тавсияномасига биноан «Жигули» енгил автомашинаси олиш учун район ижроия қўмитасига навбатга қўйилган.

Район Кенгаши ҳайъати ва район партия комитети бюросининг 1991 йил 22 февралдаги қўшма йиғилишининг қарорига биноан барча транспорт воситаларининг 1991 йилги фонди хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар, муассасаларга тақсимланган. Жумладан, 1991 йил фонди ҳисобидан маиший хизмат кўрсатиш комбинатига битта «Москвич» автомашинаси ва «Иж» мотоцикли ажратилган.

Район ижроия қўмитасининг 1991 йил 5 мартдаги № 97—01/8 хати билан Н. Чориевнинг тавсияномаси маиший хизмат кўрсатиш комбинатига қайтарилган. Ушбу хатга асосан Н. Чориев «Жигули» енгил автомашинаси олувчилар рўйхатида биринчи бўлиб қайд этилган. Ўртоқ Н. Чориев навбатига кўра енгил автомашина билан таъминланади».

Махфират Охунова Сўх районидаги «Ленинград» давлат хўжалигининг ташаббускор чорвадори. У мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, иш натижаларини ой сайин юксалтириб бормоқда. Сигир соғувчилар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Айни кунларда қарамоғидаги говмишларнинг ҳар биридан 12—13 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда. Уч нафар ёш чорвадорга касб-кордан, одамийликдан дарс бермоқда.

СУРАТДА: моҳир сигир соғувчи, ёшлар мураббийси М. Охунова.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ олган сурат.

ОТАХОН ТАШАББУСИ

Усмон Юсупов районидаги Калинин номли давлат хўжалигида табаррук кишилар жуда кўп. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, совхоз ветеранлар кенгаши раиси Муҳаммади Қодиров уларнинг бири. Отахон ажойиб фазилати, ташкилотчилиги билан кўпчилик ҳурматини қозонган. У қарийб 300 сўм нафақани олиб фарзандлари бағрида тинчгина яшайериши мумкин эди. Аммо беором қалби яратувчилик меҳнатига талпинди. У кўп вақтдан буён чорва моллар учун озуқа етиштиришни орзу қиларди. Мақсадини хўжалик раҳбарларига айтди. Хайрли ишнинг амалга ошиши осон кўчмади. Охири қатъиятлик, омилкорлик ютиб чиқди. Муҳаммади ота ташаббуси маъқулланди. Раҳбарлар 38 гектар ер ажратишди. Астойдил ишга киришилди. Экин-тикин вақтида, сифатли амалга оширилди. Экинлар оби-тобида парваришланди. Қувончлиси шуки, дастлабки чорва озуқаси уруш иштирокчилари, байналмилалчи жангчиларга бўлиб берилди. Ҳар бир тележка емиш 25 сўмдан тарқатилди.

— Ваъданинг устидан чиқаяпмиз, — дейди Муҳаммади ота Қодиров. — Режа бўйича 316 тонна хашак жамғаришимиз керак. Мавжуд майдонлардаги беда яхши парваришланди. Натижада иккинчи ўримдаёқ деярли мақсадга эришдик. Режани 150 фоизга бажаришни мўлжаллаяпмиз. Ўғилларим Ҳаким ва Рашиджонлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Бундай олижаноб, эл дарди билан яшайдиган кишиларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Зеро, ҳурматли ветеран бошлаган ибратли ташаббус кенг оммалаштиришга лойиқдир.

Т. ТУРСУНОВ.

«ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ЯНГИЛИКЛАР»

«...Рўзноманинг 1990 йил 7 сентябрь сонида Ўзбекистон ССР ижтимоий таъминот вазири С. Хўжаева талқини билан «Пенсия таъминотида янгиликлар» сарлавҳали мақола босилди. Районимиз ижтимоий таъминот ходимлари қандай қўлланмага асосланади, билмайман. Лекин мен ҳақимни талаб қилиб кўп сарсон бўлдим...».

Мазкур сатрлар Улуғ Ватан уруши инвалиди Исомиддин Худойбердиевнинг шикоят хатидан келтирилди.

Биз ушбу шикоят хатини текшириб чора кўриш учун ЎзССР ижтимоий таъминот вазирлигига юборгандик. Яқинда вазир муовини вазифасини бажарувчи С. Мирзааҳмедовадан қуйидаги мазмунда жавоб олдик.

«...1990 йил 1 октябрдан янги қабул қилинган қонунга асосан Исомиддин Худойбердиевнинг пенсияси Улуғ Ватан уруши II гонфа ногиронлиги бўйича 283 сўм 75 тийин, ўртача ойлик иш ҳақининг 43 йил 9 ой иш стажи билан қайта ҳисобланиб, 311 сўм 59 тийин қилиб белгиланган. Бунда гувоҳлик йўли билан расмийлаштирилган 1943—1944 йиллар «Правда» колхозида ишлаган даври иш стажига бир ҳиссага нотўғри ҳисобланган. Ҳозирги кунда мазкур давр иш стажи икки ҳиссага ҳисобланиб, унинг нафақаси 1990 йил 1 октябрдан 317 сўм 81 тийин қилиб белгиланди.

Исомиддин Худойбердиевга 1990 йил 1 октябрдан 1991 йил 1 апрелгача тегишли бўлган пенсия фарқи алоқа бўлими орқали жўнатилади.

СУРХОН ҚОРАКЎЛИ

Чорвадор учун йилнинг ўн икки ойи ҳам масъулиятли ҳисобланса-да, асосий эътибор қишловга ҳозирлик кўришга қаратилади. Боиси, қўтон ва кашарлар сифатли таъмирланиб, етарли миқдорда озуқа жамғарилса, хатар йўқ. Баҳорда тўлнинг баракаси ҳам шунга боғлиқ. Чўпон-чўлиқлар, озуқа жамғариш бригадалари аъзолари буни яхши тушунишади. Даромад манбаимиз — давлатга топшириладиган гўшт, жун, қоракўл тери ва хўжаликларга сотиладиган зотли қўйларимиз сифатига алоҳида эътибор бериш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Хўжалик давлат наслчилик заводи, Сурхон сур теларининг доврўғи жаҳонга ёйилган. Чорвадор ва олимларимизнинг ҳамкорликдаги изланишлари туфайли теларнинг янги навлари яратилди. Ҳозир ҳатто жаҳон бозорида ҳам уларга эҳтиёж катта.

Қоракўлчиликка муносабатнинг яхшиланаётганлиги чорвадорлар учун айни муддао бўлмоқда. Бултурдан уларнинг харид нархи оширилди. Жорий йилда 12 минг дона қоракўл терининг ҳар бирини ўртача 77 сўмдан сотдик, ёки хўжалик бир миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Ҳолбуки, 1990 йили бир донасини 38 сўмдан ўтказганмиз. 42 тонна жуннинг бир килограммини 18 сўмдан, зотли қўйларнинг ҳар бирини 450 сўмдан сотаяпмиз. Ҳозир хўжаликнинг банкдаги ҳисобида 750 минг сўм пули бор. Лекин бу совхоз учун катта маблағ эмас. Давлатдан олинаётган барча воситаларнинг харид баҳоси икки-уч баробар қиммат лашгач, тармоқлардан олинаётган 2—2,5 миллион сўм даромадимиз барча харажатларимизни, чорвадорларимизга тўланадиган иш ҳақини қоплаши қийин. Мақсад чорвадор турмушини яхшилаш экан, мутахассис сифатида фикрим шундай: биринчи навбатда маошни ошириш зарур. Бундай дейишимнинг боиси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид баҳоси ошгани билан хўжаликлар иқтисодий аҳволини яхшилашга заррача ҳам нафи тегмаётир. Иккинчидан, бозор ва дўконларда ҳамма нарсанинг нархи осмонга чиққан бир пайтда чўпонга бир ойда тўланаётган 200—250 сўм иш ҳақи рўзғорнинг қайси бир ташвишига етсин? Чўпоннинг яйловда боқиб юрган беш-ўнта қўйига кўз тикмаслигимиз керак, чунки унда бори ҳамманики, рўзғоридан ортганини албатта бозорга чиқаради.

Ҳозир хўжалигимизда қарийб 65,6 минг бош қўй-қўзи парвариш қилинмоқда. Амалдаги йилда 36,4 минг бош совлиқнинг ҳар юзидан юстадан қўзи олишга эришилди. 18 мингдан ортиқ қўзи ўстиришга қолдирилди. Режадаги 15 минг дона ўрнига 17 минг 164 дона қоракўл тери тайёрланди. Унинг беш минг донасини ким ошди савдосига чиқаришга ҳозирлик кўраяпмиз.

Эришилган ютуқларнинг асосий омили бултур чорва қишловига кўрилган пухта тайёргарликдир. Боботоғ яйловларида, сойликларда табиий пичан мўл бўлади. Ҳар йили баҳордаёқ пичан жамғаришга астойдил киришиб, уни кеч кузгача давом эттирамиз. Ҳозиргача фермаларимизда 8 минг тоннадан зиёд озуқа жамғарилди. Унинг 3,5 минг тоннаси табиий пичан. Сойликларнинг ҳар куни 70—80 тоннагача ана шундай ширали ва тўйимли озуқа тўпланаётир. Бу муҳим ишда 148 ишчи, ўнта ўт ўриш, тўққизта тўплагич, ўнта пресслаш агрегати ишлатиляпти. 12 та автомашина ва аравалар ёрдамида хашак фермаларга ташиб келтирилмоқда. Абдуназар Рамазонов, Номоз Чориев, Бўри Остонақулов, Ҳайдар Пардаев бошлиқ бригадалар аъзолари Томақудуқ, Ухунқудуқ, Тивит сойликларида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Хўжалик раҳбарияти озуқа жамғарувчилар учун барча шароитни яратган. Бундан ташқари 263 гектар бедапоядан шу кунгача 1.662 тонна пичан жамғардик. 229 гектар шартли суғориладиган ғаллазордан 345 тонна дон, худди шунча сомон олишга эришдик. Омбордаги буғдойдан ҳар бир оилага 50 килограммдан сотаяпмиз.

Келгуси йил баҳоридаги тўлимиз баракаси чорвадорларимизнинг ҳозир амалга ошираётган ишларига боғлиқ. Шу кеча-кундузда улар қўзиларни ажратиш, совлиқларни саралашдек масъулиятли ишлар билан банд. Кузги қирқимни амалга оширишимиз ва камида 42 тонна жун олишимиз керак. Қочириш мавсумини намунали ўтказиш учун тараддуд ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир иконнят эътиборда бўлиши, бир сўм икки-уч сўмни етаклаб келишига эришиш лозим. Шу нуқтаи назардан олганда, яхши режаларимиз бор. Биринчи галда, маҳсулотимизни хом ашё тарзида эмас, тайёр ҳолда сотишга эришмоғимиз шарт. Масалан, қоракўл теріларимизни ҳозир 77 сўмдан сотаяпмиз, дедим. Агар тери хўжаликнинг ўзида ошланиб, сифатли ишланса, нархи икки баравар ошади. Хўжаликда қўй терисини ошлаб, пўстин тикиладиган кичик корхонани ишга туширганмиз. Унинг истиқболи бор, фақат терининг устидан қоплайдиган матонинг йўқлиги ишимизга ҳалал бермоқда. Тарвузпоя массивидан 670 гектар янги ер ўзлаштирилмоқда. Биз келгусида дон етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда тоғ ёнбағрида узумчиликни йўлга қўймоқчимиз. Маҳсулотимиз хилма-хил ва сероб бўлса, уни айирбошлаш, хўжалик олдидаги муаммоларни ҳал этиш осон кўчади.

М. МЕНГЛИЕВ,
Қумқўрғон районидаги Гагарин номли давлат наслчилик заводи директори.

ҲИНД ХАЛҚИГА ТУҲФА

Таниқли мусаввир, СССР Давлат мукофоти лауреати Баҳодир Жалолов «Қўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон» номли катта асарини ниҳоясига етказди. Унда Ҳиндистоннинг буюк давлат ва жамоат арбоблари, шоирлар, созандалар, рассомлар тимсоли акс этган.

— Гарчи бу мамлакатни бориб кўрмаган бўлсам ҳам, ёшликдан ҳинд халқининг қўшиқ ва рақсларини жуда ёқтираман, — дейди Баҳодир Жалолов. — Мени доимо ҳинд санъати, айниқса тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлиги заволантириб келади. Мен Рабиндранат Тагор шеъриятини берилиб ўқидим, М. Ганди ва Ж. Неру китобларидан баҳраманд бўлдим, уларнинг суратларини синчиклаб ўргандим. Шундан сўнг ишга киришдим.

Баҳодир Жалолов 43 ёшда. Унинг асарларини жумҳуриятда, ҳатто АҚШ ва Европада ҳам яхши билишади.

«Қўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон» асари Деҳлига юборилди ва ҳинд халқига туҳфа қилинди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ва Баҳодир Жалолов. 2. «Қўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон» асари.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

Акс-садо

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Севимли рўзномамиз «Қишлоқ ҳақиқати»нинг 9 август 153-сонида эълон қилинган «Қари билганни пари билмайди» рукни остида уруш ва меҳнат фахрийларининг тўйларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари менинг юрагимда ҳам акс-садо берди. Анчадан бери қалбимга тугиб юрган мулоҳазаларимни азиз муштарийлар билан баҳам кўришга аҳд қилдим.

Тўй бизнинг олис ўтмиш билан боғловчи бобомерос анъаналаримиздан. Халқимиз топганини яхши ният билан тўйга йиғади. Моможаримиз юзларига фотиҳа тортиб, «топганинг тўйга буюрсин», «тўйлар тўйга улансин», дея дуо қилишади. Хонадонда ўғил туғилса, ота элга ош бераман, деб кўкрагини баланд кўтаради, она шу кундан бошлаб яхши ният билан тўйга хизмат қилувчиларга атаб қийиқча, дўппи, чопон тикади. Ўзбекка одат: ўзи емаса емайди, киймаса киймайдики, тўй деб элга ош беради. Қарзга ботиб бўлса ҳам тўйга йиғинади. Тўйлар эса бугун кўпайиб кетган. Бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи...

Тўй кўпаяверсин, аммо... иқтисодиётимиздаги етишмовчиликлар даврида ортиқча харажатлар меҳнаткашларни ҳолдан тойдириб қўймоқда. Тўйларимиздаги исрофгарчиликлар, катта тўй бериш, никоҳ маросимларида столларга спиртли ичимликлар қўйиш каби ортиқча, харажатталаб маросимлар камайди. Шаҳримизнинг кўпгина маҳаллаларида никоҳ тўйлари бир кунда ўтказилмоқда. Айниқса, бу соҳада Киров районидаги «Янгиариқ» маҳалласида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Маҳалла комитети қошида 5 кишидан иборат тўй комиссияси ташкил қилинган. Унга собиқ милиция ходими, меҳнат ветерани Наби ака Шарипов раҳбарлик қилмоқда.

Никоҳ тўйларини маҳалла оқсоқоллари очиб, кеч соат ўн иккидаёқ ёпилади. Яқинда ўқитувчи Эркин Абдураҳмонов тўй қилди. Тўй комиссиясининг тавсияси билан никоҳ тантанаси бир жойда ўтказилди. У ихчам, чиройли ва файзли ўтди. Мана шундай камхарж ва ажойиб тўй қилса бўлар экан-ку?! Олдинлари қиз узатаётган қуданикига кексалар, куёв навкарлари карнай-сурнай чалиб бориб, ебичиб келиб, яна куёвникида ярим кечагача базми жамшид давом этарди. Тўйга борганлар эртаси ишга борганларида мудраб ўтиришарди.

«Янгиариқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Тожихўжа Қосимхўжаев қиз узатди. Келин бўлмишга тушунтиришди «қиз оши» қилмаслик ҳақида. Унга харажат бўладиган пулга қизига керакли буюмлар харид қилинди.

Шундай қилиш яхши эмасми?! Бу базмнинг номи «қиз оши». Унга куёв томондан 15—20 лаб йигитлар келишади. Худди кичикроқ тўйга ўхшаш бу маросим ота-онага ортиқча даҳмаза.

Никоҳ кечасига куёвнинг ўртоқлари, қизнинг дугоналари келади-ку. Шунинг ўзи етарли эмасми? Бу маҳаллада ЗАГСдан кейинги зиёфатларга ҳам барҳам берилди.

Аммо шаҳримизнинг айрим маҳаллаларида қиз оши, ЗАГСдан сўнгги зиёфатлар ҳамда никоҳ тўйларида чойнакда спиртли ичимликлар қўйиш давом этмоқда.

Очиғини айтганда, тўйларни назорат қилиш билан на район ижроия комитети, на ички ишлар бўлими ходимлари шуғулланишади. «Қишлоқ ҳақиқати»да, «Қари билганни пари билмас» деган рукн остида мақола чоп этилди. Унда ҳайтовур вилоят уруш-меҳнат фахрийлари бу савобли ишга аралашиб, тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш ҳақида анчагина мулоҳазаларни ўртага ташлабдилар.

Мен тўйларда ичкилик қўйган ман-манларга чора кўриш, жарима солишга тўлиқ қўшиламан. Яна бир муаммо: «Мусибат тушган хонадонларга жаназадан сўнг фотиҳа учун келганларга дастурхон ёзиш бизнинг маҳаллада чек қўйилган.

Азали хонадонда 3 кунгача олов ёқиб овқат пиширмаслик ислом қоидаларида бор. Оилага қўни-қўшнилар овқат пишириб чиқариши керак. Бу удум ҳам бор. Лекин азадорлар қўшнилар чиқарган овқатни ўзлари емай фотиҳага келганларга тортишади. 7, 20, 40 йил оши каби маъракалар Ислом динида йўқ. Ҳажга бориб келган ҳамшаҳарларимиз Омонулла ҳожи айтишича, Арабистонда вафот этган кишининг жаназасига одамлар бориб, дафн этиб ҳамма ўз ўйига қайтар экан, мусибат бўлган хонадонга бориб бирор луқма овқат ейилмас экан, аксинча ўз жамғармаларидан уларга ёрдам берилар экан. Бизларда-чи?! Мусибатхоналардаги маъракаларни чеклаш вақти келмадимикин? Вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари урфодатларимизни енгиллаштиришга киришган эканлар, биз кексалар ҳам бу савобли ташаббусга албатта қўшиламиз.

Меҳнат фахрийси: Абдуғаттоҳ НАБИХЎЖА ўғли.

МАДАНИЯТ ЖАБҲАСИДА

БАХШИЛАР БАҲСИ

Деновда бахшиларнинг жумҳурият танлови бўлиб ўтди. Унда олти вилоят ва Қорақалпоғистондан 80 дан зиёд вакил қатнашди. Танловда иштирок этган ҳар бир киши дўмбрада халқ қуйларидан ижро этиши, ўзи ёзган қўшиқни айтиши, халқ достонларидан олинган парчани ижро этиши керак эди. Деновлик бахши Бобораҳим Маматмуродов ва бойсунлик Шоберди Болтаев биринчи ўринни бўлишиб олишди. Абдуқаҳҳор Раҳимов билан Зиёдулла Исломов иккинчи ўринни эгаллашди. Хоразмдаги «Достон» этнография дастасининг бир гуруҳ қатнашчилари, қорақалпоғистонлик бахши Пирниёз Ўтегенов ва қашқадарёлик Шомурод Тоғаев танлов лауреатлари бўлишди.

Танлов қатнашчилари берган катта концертга Деновдангина эмас, бошқа районлардан ҳам халқ ижодиёти муҳлислари келишди.

ЯХШИ БАҲО ОЛДИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг буюртмаси асосида суратга олинган илмий-оммабоп фильм томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Корхонанинг етакчи мутахассислари ушбу фильмни биринчи бўлиб томоша қилдилар. Улар «Леннаучфильм» студияси режиссёри Е. Аксенов бошчилик қилаётган муаллифлар жамоаси ишига юқори баҳо бердилар. 30 минутли рангли фильм комбинатнинг мулки бўлиб қолди ва ундан Қизилқум минтақаси аҳолиси ўртасида экология билимларини тарғиб этишда фойдаланилади.

ҚОЗОҚ ТЕРМАЛАРИ

Кулмай сўйла қизингга,
Сўкмай сўйла ўғлингга.
Эркига қўйиб бериб,
Кулги бўлма элингга.

* * *

Онанг сутин оқлагил,
Доим уни ёқлагил.
Кексаликни ҳурмат қил,
Мудом одоб сақлагил.

* * *

Бермаснинг пишмас оши,
Ғавғодан чиқмас боши.
Адолат қил, ҳар жойнинг,
Бордир торози-тоши.

* * *

Отанг сенга дарғадир,
У бор — кенгдир қир, адир.
Падар пандин олмаган,
Гап уқмас бир қарғадир.

* * *

Ёмонларга ёмон бўл,
Эл жисмига сен жон бўл.
Олқиш олгил, савобдир,
Дерлар «Болам, омон бўл!».

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

ОМАДИНГИЗ КЕЛСИН

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

77-ТИРАЖНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 15 АВГУСТДА ИВАНО-ФРАНКОВСК ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг эллик олти разрядидаги серия ва облигациялари ўйнидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200219	1—100	300	230467	1—100	300	264080	083*)	5000
200649	1—100	300	230528	028*)	2500	264477	066*)	2500
200924	017*)	5000	231962	062*)	5000	264582	1—100	300
201206	1—100	300	232196	1—100	500	264786	064*)	2500
201328	1—100	500	232775	1—100	300	266988	056*)	1000
202040	1—100	300	232862	1—100	300	267238	099*)	5000
202629	089*)	2500	233076	1—100	300	267461	1—100	300
202729	1—100	300	233179	1—100	300	267765	1—100	300
203259	018*)	1000	233481	059*)	5000	268619	018*)	1000
203387	066*)	1000	233537	067*)	1000	268648	068*)	1000
203526	1—100	500	234010	1—100	500	27^034	030*)	10000
204081	1—100	500	234162	089*)	5000	270381	058*)	2500
204888	1—100	300	235609	084*)	2500	270685	1—100	300
205275	041*)	2500	236271	093*)	10000	271324	099*)	10000
205542	1—100	500	236378	019*)	5000	271712	1—100	300
206364	1—100	300	236878	1—100	300	271825	064*)	5000
206813	085*)	2500	237179	011*)	2500	272671	054*)	5000
207801	053*)	2500	237254	018*)	2500	273288	1—100	300
207901	1—100	300	238111	080*)	2500	273500	031*)	5000
208856	081*)	2500	238948	055*)	5000	274825	069*)	2500
209016	1—100	300	239033	055*)	2500	276595	020*)	5000
209246	1—100	300	239777	022*)	5000	277254	093*)	1000
209652	085*)	1000	241874	057*)	1000	278058	072*)	2500
210042	079*)	2500	242055	021*)	5000	279360	090*)	5000
210789	1—100	300	242309	003*)	5000	279570	1—100	500
211238	050*)	2500	242711	073*)	5000	279894	1—100	300
211666	1—100	300	242747	1—100	500	281001	027*)	2500
211772	031*)	2500	242856	030*)	1000	281050	039*)	2500
212361	1—100	300	243696	056*)	2500	281297	1—100	500
212556	059*)	2500	244385	1—100	300	281483	089*)	2500
213226	070*)	1000	244649	1—100	500	281511	035*)	5000
213326	1—100	300	244933	063*)	2500	281629	064*)	2500
214427	1—100	500	245539	1—100	500	281724	017*)	5000
214816	1—100	300	245600	1—100	300	281820	1—100	300
214880	063*)	25000	247985	1—100	300	281873	1—100	300
215413	1—100	300	248110	059*)	10000	283732	047*)	10000
216022	027*)	10000	248344	1—100	300	284420	1—100	300
216329	1—100	300	248843	060*)	5000	284970	061*)	2500
216354	1—100	300	249165	070*)	1000	285509	061*)	2500
216762	1—100	300	250823	015*)	5000	285720	027*)	10000
217115	065*)	2500	251283	051*)	25000	287367	094*)	5000
217248	004*)	1000	251675	076*)	2500	289572	047*)	2500
217667	1—100	500	252870	089*)	25000	290259	049*)	5000
217866	029*)	5000	252918	1—100	300	290524	1—100	300
218025	1—100	300	253440	033*)	1000	291007	024*)	1000
218291	013*)	5000	254672	020*)	2500	291291	078*)	2500
218966	1—100	300	255092	1—100	300	291302	081*)	2500
219080	099*)	2500	255141	1—100	300	291316	1—100	300
219169	1—100	500	255754	1—100	300	291629	1—100	300
219584	1—100	500	256232	1—100	500	292057	023*)	25000
220192	077*)	5000	256285	084*)	5000	292114	077*)	5000
220389	1—100	500	256295	060*)	2500	292531	073*)	1000
221283	013*)	2500	256557	1—100	300	292868	033*)	2500
221413	097*)	5000	256930	1—100	300	293059	020*)	10000
221959	1—100	500	257003	077*)	5000	293353	059*)	1000
222867	1—100	300	257070	1—100	300	293682	1—100	300
223103	1—100	300	257161	1—100	300	294830	046*)	2500
223567	050*)	2500	258587	023*)	1000	295120	1—100	300
226364	053*)	2500	259051	042*)	25000	296103	1—100	300
227793	1—100	300	259319	1—100	300	296623	025*)	1000
228001	1—100	300	259768	1—100	300	297025	035*)	1000
228017	092*)	2500	260012	025*)	2500	297682	038*)	10000
228412	1—100	500	260266	047*)	2500	297762	1—100	300
228633	009*)	2500	260755	025*)	5000	298667	085*)	2500
229400	048*)	2500	261416	1—100	300	298724	1—100	300
229714	021*)	5000	263250	1—100	500	299350	099*)	2500
229753	025*)	10000				299921	1—100	300

*) Шу серидаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 300 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 300, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан серидаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 600, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 1000, 2500, 5000, 10000, 25000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 300 сўм чиқади ва облигация бўйича 1300, 2800, 5300, 10300, 25300 сўм тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Ивано-Франковск шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **В. О. ПАВЛИК.**

Тираж комиссиясининг масъул котиби Е. И. ДЕМИНА.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

СССР Жамғарма банкининг сертификатлари

СЕРТИФИКАТЛАР — 250, 500 ва 1000 сўмлик қийматда чиқарилади.

СЕРТИФИКАТЛАР — пул маблағларини 10 йил давомида сақлашга мўлжалланган бўлиб, сақланиш муддатига кўра даромад тўланади. Унга тўланадиган ҳақнинг миқдори сертификатнинг орқасида кўрсатилган 10 йиллик сақланиш муддатига амал қилинганда йилига 10 фоиз ҳисобида даромад тўланади.

СЕРТИФИКАТЛАР — эркин сотилади, уни сақлаб бериш учун қабул қилинади ва паспорт кўрсатилганда СССР Жамғарма банкининг барча филиалларида пулни тўланади. Сертификатнинг пулини олиш вақтида унинг эгаси яна янги сертификат сотиб олиши ёки бўлмаса олган пулини хоҳлаган омонат турига қўйиши мумкин.

СЕРТИФИКАТЛАР — пул маблағларини узоқ вақт сақлашнинг қулай шаклидир.

БУНГА ШАХСАН ЎЗИНГИЗ ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТАЛВАСА

Ҳажвия

Иш пайтида Қўзиевнинг ёзолмаслиги хонадаги бошқа ходимларга қимматга тушарди. Қўзиев тўрга — столига ўтириб олиб ҳамхоналарини гапга тутади. Кираверишда, бурчакда ўтирган рассом Раҳматов у билан гаплашишни хушламай юзини тескари буради. Улар асли бир-бирларини ёқтирмайди. Қайтага Турғунова яхши, бировга озор етказмайдиганлардан. Ўн тўрт йилдан буён битта хонада ўтириб ишлайди. Иш юзасидан албатта сан-манга бориб турилади, лекин бир-бирларини кечириб кетаверишади. Умуман, Қўзиев Турғуновани гапга солишни ёқтиради. Ўзини минг доно тутгани билан Турғуновадан кўпинча маслаҳат сўрайди. Билиб олгач, яна ўзини бошқача тутади. Ходимлар Турғунованинг сабр-тоқатига қойил қолишади.

Шундай қилиб Қўзиев бугун ҳам одатдагидай ўн беш минут кечикиб келди. Шу муддат хонадагиларга шодиёна. Қўзиевсиз ишлаш қандай яхши. Раҳматов ҳам, Турғунова ҳам ўзини эркин тутади. Бугун у ўрнига ўтириб, газетанинг янги сонини кўздан кечирди. Бу сонда мақоласи бор эди. Хурсанд бўлиб қўлини бир-бирига ишқади.

— Ун беш кунликда ўттиз сўм бор, — деди севиниб. — Бугун нечинчи, Муҳаррам?

— Учинчи.

— Ўх-ўў, ўн икки кун бор экан, яна иккита мақолам чиқса бўлди-да. Тўғрими, Муҳаррам, беш панжани оғизга тиқсам бўлмайди, Ваҳобовга ўхшаб. Миямда зўр фикр бор: руҳий касалликлар шифохонасидан материал ёзмоқчиман. Бизда руҳий бетобларга қандай ғамхўрлик қилишаётганлигини газетхонлар билсин, — деди у.

Қўзиев ён дафтарини чўнтагига солди, кейин шляпасини кийди.

— Муҳаррам, мени ким сўраса, жиннихонада, деги.

Қўзиев шундай деди-да, гўё жиннихонага мақола ёзиш учун эмас, даволангани кетаётгандек шахдам юриб, чиқиб кетди.

— Илойим кетганинг рост бўлсин! — деди Турғунова ортидан.

Қўзиев икки лунжини пуфакдек шишириб бекатда автобус кутди. Ниҳоят, маршрут таксига ўтирди. Касалхонага яқинлашар экан, шляпасини бошқатдан кийиб, у ёқ-бу ёғини тузатди, қоматини сал тиклаб, ўзига улуғворроқ тус берди. Қўзиев дарвозанинг тўғрисидаги тўрт қаватли бинога қараб юрди. Бу ер тинч бўлиб, узун йўлакда ҳеч зоғ йўқ эди. Йўлак бўйлаб ўнгга юрди. Шу ерда бир бемор деразадан ташқарига қараб турган экан.

— Кечирасиз, бир минутга мумкинми? — деди Қўзиев ўзини бағоят улуғвор тутиб.— Бош врачнинг хонаси қаерда?

Бемор ўгирилиб, кўзларини лўқ қилиб, қараб турди-да, кўрсаткич бармоғини буклаб, «бу ёққа кел» дегандек ишора қилди. Қўзиевнинг юраги йўлак ниҳоясига етиб ўзини зинага урди. Касалхонага кираётганидаги салобатидан асар ҳам қолмади. Тавба, жон ширин бўларкан. Ҳансираб қоларди. Икки-уч зина сакраб иккинчи қаватга чиқди-да, йўлак бўйлаб қочди. Ортидан ҳаллослаб келаётган бемор унга етай-етай дер, «тўхта» деб қичқирар, Қўзиев эса учиб қочарди. Жон ширин. Рост-да, айтиб бўлдими, беморнинг қўлида аллақандай тиғ бор, Қўзиев уни бурилишда қараб илғади. Эҳтимол пичоқдир, эҳтимол Қўзиевни бўғизламоқчидир, жиннида ақл бўладими? Ҳа, унинг юраги орқага тортиб кетди, ўзининг бўлим мудири эканлиги ёдига тушди.

— Ахир мен мухбирман, мудирман! — дея қичқирди. — Газетага ёзгани келувдим, ёрдам беринглар!

Бунақа давойи — достонларни эшитавериб бу ердагиларнинг қулоғи ўрганиб кетган. Қўзиев эса умридан саноқли дақиқалар қолганини ўйлаб қочиб борарди. Учинчи қават йўлаги ҳам тугади: ўзини тўртинчи қават зинасига урди, ҳолбуки, пастга — иккинчи қаватга қочиши мумкин эди. Сизга ёлғон, Қўзиевга чин, зинани икки сакрашда босиб ўтди. Акробат бўл-е! Бемор ҳам ундан қолишмасди.

— Барибир тутаман! — деди бемор ҳансираб. — Бақирсанг бақиравер, барибир тутаман!

Қўзиев тўртинчи қават йўлагидан чап томонга қочиб борар экан, ҳамон жон талвасада «Ахир мен ёзгани келувдим, ҳозир ўлдириб қўяди!» деб бақириб борарди. Йўлакда битта-иккита бемор, хизматчи кўзга ташланса-да, ҳали нима бўлаётганига тушуниб етмасларидан Қўзиев уларнинг ёнидан ўқдек учиб ўтиб кетарди. Ниҳоят тўртинчи қават йўлаги ҳам тугади. Учинчи қаватга тушадиган зинага чиқадиган эшик эса қулф экан. Бошқа йўл йўқ. Қўзиев ўзини жон талвасада деразага урди. Аммо ҳозир ўзининг тўртинчи қаватдалигини ҳис қилди-ю, қотди-қолди. Бемор унинг орқасидан келиб маҳкам қучоқлади.

— Тутдимми? — деди ҳансираб.

Қўзиев кўзларини юмиб, тили оғзидан чиқиб кетаёзган эди. Хаёлан уйдагилар билан хайрлашди. Беморнинг кучли қўллари уни тобора зичроқ эзарди.

— Хўш, қалай, тутдимми?— деди бемор баттар ҳансираб. Сўнг бирдан қўлларини бўшатиб Қўзиевга қўлидаги оқ тунукани берди. — Ма, акун сеничгач, бояги аҳволини унутиб бирдан вазмин ва салобатли тус олди.

— Касалхонангизда тартиб йўқ экан. — деди хўмрайиб.— Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида, билмадим ҳоли нима кечарди. Яхшики мен юраги бақувват, чиниққан одамман!

— Тўғри-тўғри, сиздан бошқа одам бўлганда юраги ёрилиши ҳеч гап эмас эди, —дея унинг гапини маъқуллади суҳбатдоши.

Қўзиев яна бир пиёла чой ичгач, касалхонани айланиб кўрмоқчи эканлигини айтди. Бош врач Турсунов ва ўринбосари Қаюмов уни касалхона билан таништириш учун олдинга тушишди.

Ҳаммаси жойида. деворларда турли плакатлар, тозалик ҳақида варақалар осилган. Тувакларда турли гуллар ўсиб ётибди. Икки-уч жойда аквариум балиғи, сайроқи қушлар қафаси қўйилган. Қўзиев беморларни қабул қиладиган хоналар, даволаниш жойларини кўздан кечирди.

— Касалларминан ҳам гаплашсак!

Иккинчи қаватдаги биринчи эшикни чертишди. Хонада икки бемор бўлиб, бири каравотда хаёлга толиб ўтирар, иккинчиси бурчакда тик турганича, юқоридан кўзини узмасди. У ичкарига кирганларга мутлақо эътибор қилмади.

— Хўш, Азимбой, юлдузларни санаб бўлдингизми? — деб сўради шифокор.

— Нега одамлар кечаси уйига кетади-ю, юлдузлар кундузи кетади? Мана масала қаерда? Сабабини биласизми? — деди бемор.

— Йўқ.

— Миянгиз ишламайди. Мен биламан, одамлар бир-бировнинг бошига чиқиб олиб қўйишларидан қўрқиб юлдузлар кундузи яширинади.

Кейин иккинчи хонага киришди. Бу ерда ундан-да қизиқ тамоша бўлаётган экан. Тўрт бемор бир-бировини «от» қилиб миниб «уруш-уруш» ўйнарди.

Уларнинг телба-тескари жавобларига Қўзиев кўникди. Ахир, бу ер жиннилар даволанадиган макон-ку! Ҳар нарса бўлиши мумкин. У ўзини шу соҳанинг билимдонларидек тута бошлади. Навбатдаги хонага киргач, уни қувган жинни бемор шерикларига гап сотиб ўтирарди. Қўзиевга кўзи тушиб жонланди:

— Ана ўзи келди! — деди ўрнидан туриб. — Ҳув, тўнка, нега мени қувмадинг? Сен каллаварамни деб иккинчи қаватгача орқамга қарамай чопибман!

Қўзиевнинг юзида ранг қолмади. Аллақандай иқсирт уни калака қилаётгани алам қилди, айни пайтда юрагини қўрқув чулғади. Жинни тўсатдан ташланиши мумкин!

— Нега унақа дейсиз, бу киши мухбир, — деди унинг гапига қўшилмай Турсунов.

— Мухбир бўлса менга нима, галини берсин-да, ие! Ғирромлиги кетмайди!

— Ўйлаб гапиринг, уят бўлади.

— Бу каллаварам уялмай ғирромлик қилса майли, ҳа?— дея хўрсинди бемор. — Галини бермаса қўймайман, барибир бу ердан чиқиб кетолмайди. Ие, ана мухбир эмишлар, бир вақтлар керак бўлса мен мухбирларнинг каттаси бўлганман...

Турсунов беморни алдабсулдаб йўлга солди. Қаюмов эса Қўзиевни йўлакка олиб чиқди. Кейин ичкаридан Турсунов ҳам чиқди. Қўзиевнинг юзи оқариб кетганини кўриб деди:

— Яна бир-иккита хонани кўрасизми?

Қўзиев «йўқ» ишорасини қилди. Бу ердан газетага ёзадиган яхши факт ололмаслигига энди ақли етган эди. Хайр-хўш қилиб кўчага чиқди. Касалхонадан узоқлашиб борар экан, дили очилиб эркин нафас ола бошлади...

Вали БОБОМУРОДОВ.

Муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» («Сельская правда») Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700.000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткичи— 64.602, 68.753 нусхада чоп этилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 23.30 Буюртма № 5816.